

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

UDK 93/99.950.519.1.392.1.

ҲАМРАЕВА НАРГИЗА ШОДИЕВНА

**БУЮК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҲОРИЖ
МУАРРИХЛАРИ ТАЛҚИНИДА**

5A120302 - Тарих (Европа ва Осиё мамлакатлари бўйича)

Магистр

академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Т.ф.д., профессор У.Уватов

QARSHI-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР	
I БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ЭНГ АСОСИЙ МАНБАЛАР.	
1.1. Амир Темур даври тарихига оид Шарқ манбалардаги асосий манбалар.....	15
1.2. Ғарб мамлакатларида Амир Темур салтанатига доир муҳим манбалар.....	24
I боб бўйича хулоса.....	36
АМИР ТЕМУР ДАВРИНИНГ ШАРҚ МУАРРИХЛАРИ	
II БОБ. АСАРЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ.	
2.1. Араб муаррихлари томонидан Амир Темур даврининг ўрганилиши.....	38
2.2. Шарқнинг бошқа мамлакатларида муаррихлари томонидан Амир Темур салтанатининг ёритилиши.....	49
II боб бўйича хулоса.....	61
ҒАРБ ШАРҚШУНОСЛАРИ АСАРЛАРИДА АМИР	
III БОБ. ТЕМУР ДАВРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.	
3.1. Россия ва Франция шарқшунослари асарларида Амир Темур давлати тарихининг ёритилиши.....	62
3.2. Амир Темур салтанатини Ғарбнинг бошқа мамлакатлари шарқшунослари томонидан тадқиқ этилиши	74
III боб бўйича хулоса.....	82
ХУЛОСА.....	83
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	86
ИЛОВА	93

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақиллигининг эълон қилинганлиги ўзбек халқи ва давлатчилигининг кўп асрлик тарихида муҳим воқеа бўлди. Айнан мустақиллик туфайли Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фанлари соҳаси олимлари олдида жаҳон тарихи, жумладан, Ватанимиз тарихини ҳаққоний ва тўлақонли ўрганиш масаласи долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ҳақда Президентимиз И.А. Каримовнинг мамлакатимизнинг етакчи тарихчи олимлари билан учрашувдаги нутқи ва маърузаларида ҳамда давлат ва ҳукумат миқёсида қабул қилинган қарорларда ҳам ўз аксини топган.

Юртбошимиз И.А. Каримов эътироф этганидек: “Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз”¹.

Ватанимизда Амир Темурнинг фаолиятини холис ўрганишда Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов олиб бораётган сиёсат алоҳида аҳамиятга эга. Ҳукуматимиз «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» (1994 йил, 29 декабр), «1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиши тўғрисида»² (1995 йил, 26 декабр), «Темурийлар тарихи» давлат музейини ташкил этиш ва «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида (1996 йил) қатор фармон ва қарорлар чиқардики, бу тадбирлар темуршуносликнинг кейинги тараққиёти учун катта замин яратди. Амир Темурнинг дунё цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, тарихдаги буюк хизматлари Бирлашган Миллатлар ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ЮНЕСКО томонидан ҳам эътироф этилиб

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмс куч. - Т.: Маънавият, 2008. 7-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори // Тошкент ҳақиқати. - 1995 йил, 4 янв.

унинг 660 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида ташкилотининг қарор қабул қилинишига эришилди³. 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди ва бу тарихий воқеа дунё миқёсида кенг нишонланди.

Президент Ислом Каримов Соҳибқироннинг тарихимизда тутган ўрни, ўз даврида юртимизда озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш билан бирга марказлашган давлат тузгани, салтанат бошқарувини адолат ва қонунларга асосланиб ташкиллаштиргани, илм-фан равнақига катта таъсир кўрсатгани ҳамда бошқа хизматлари ҳақида кўп маротаба алоҳида таъкидлаб ўтди⁴. Жумладан: «Шавкатли аجدодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қажатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди.

Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди»⁵, - дея урғу берди.

Мустақиллик шарофати билан тарихимиз саҳифаларида қора бўёқлар билан бўялган ва унутилишга маҳкум қилинган улуғ зот Соҳибқирон Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни билишга, ул зот ҳақида айтилган ва айтилаётган юксак баҳолардан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Амир Темур даври тарихи тарихшунослиги бўйича Ўзбекистон ва 50 дан зиёд хорижий мамлакатларининг тарихчи олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, жаҳон тарихи ва адабиётида замонлар ўтиши билан Амир Темур шахсини бирёқлама, тор ва бир хил тарзда талқин этишдан иборат дастлабки кўникмаларидан уни чуқур,

³ UNESCO: Resolutions twentyeighten session of the general Conference. - Paris, 1996. Vol.I. - P.89.

⁴ Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Ўша муаллиф. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V; Ўша муаллиф. Азалий буюклик маскани / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V. - Б. 171-174; Ўша муаллиф. Соҳибқирон камолга етган юрт / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V. - Б.175-178; Ўша муаллиф. Адолат ва қудрат тимсоли / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд.V. - Б. 179-180; Ўша муаллиф. Амир Темур фаҳримиз-ғуруримиз / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V. - Б. 181-191; Ўша муаллиф. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин / Амир Темур-фаҳримиз, ғуруримиз - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б. 25-30 ва бошқалар.

⁵ Каримов И.А. Халқимиз бор экан... - Б.169.

кенг ва атрофлича идрок этиш жараёни кучайиб бормокда. Жаҳон тарихшунослиги ва шарқшунослиги фонларида мустақил илмий йўналиш – “Темуршунослик” шаклланди. Парижда нашр қилинаётган, дунёда ягона махсус “Темурийлар” журнали фикримизнинг ёрқин далилидир. Амир Темур даври тарихи кўплаб Европа ва бошқа хорижий давлатлар тарихчиларини қизиқтириб келган. Шу боисдан Амир Темур даври тарихини айнан хориж муаррихлари томонидан қай тарзда ўрганилганлигини таҳлил қилиб бериш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ушбу тадқиқот соҳибқирон Амир Темурнинг шахси, у барпо қилган буюк давлат ҳақида ёзилган асарлар асосида буюк ҳукмдор тўғрисидаги тарихни янада теран ёритишга ёрдам беради. Ёшларимизнинг Амир Темур ва у бошқарган давлат ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради ва бойитади, уларда улуғ аجدодимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни янада оширади. Амир Темур даври тарихнависи шаклланиши, Темуршуносликдаги муҳим йўналишлардан бири саналади. Зеро, юртбошимиз эътироф этганларидек, бугунги кунда алоҳида илмий йўналиш – темуршунослик шаклланди.

«Бизнинг бугунги асосий вазифамиз, - деб ёзади И.А. Каримов, - шундан иборатки асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз... таржима қилишимиз халқимизга келгуси авлодимизга... бизнинг фахру, ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак»⁶.

Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти, у барпо қилган салтанат ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Улуғ аجدодимиз шахсига, фаолиятига қизиқиш кучли бўлиб турли соҳа ходимлари, тарихчи, сиёсатшунос, меъмор, ҳарб илмининг мутахассислари ва бошқалар жилд-жилд китоблар ёзганлар. У ҳақда хилма-хил маълумотлар қолдирганлар. Хусусан соҳибқирон шахсига қизиқиш жуда кучли бўлган ва шунинг учун ҳам адабиётларнинг кўпи ана шу

⁶ Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996. Б. 5.

мавзуда ёзилган. Улуғ бобомиз ҳақидаги адабиётларни аввало, тарихий ва бадиий ҳамда чуқур илмий тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Ўтган 600 йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тиларида 900 га яқин эканлигини юртбошимиз зўр қониқиш билан таъкидлаган эди⁷. Бунга қўшимча қилиб шуни таъкидлаш жоизки соҳибқирон таваллудининг 660 йиллик тантаналари даврида ва ундан кейинги йилларда яна юзлаб илмий ва бадиий асарлар яратилди. Шунинг учун кейинги йилларда Амир Темур ҳақида яратилган асарларнинг библиографияси яратилмоқда. Жумладан, академик Э.Ртвеладзе ва проф. А.Саидовлар Европа тилларида яратилган асарларнинг қисқача кўрсатгичини туздилар. Айниқса соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги тантана қилинган 1996 йилда хорижда яратилган асарларнинг библиографияси берилган. Аммо муаллифлар таъкидлаганидек, бу асарлар кўп сонли ўзбек китобхонларига етиб келмаган. Унинг сабаби аввало уларнинг хориж Европа тилларида (немис-француз ва ҳ.к.) эканлиги, уларнинг кўплари тез тарқалиб, библиографик ноёб бўлганлигидир. Муаллифларнинг таъкидлашларича, кейинги икки йилда Амир Темур ва темурийлар ҳақида 300 дан ортиқ янги асарлар яратилган.

Мустақиллик даври Амир Темур номини поклаш ва у бошқарган салтанат тарихини ўрганиш ва ҳолисона илмий ҳулосалар чиқаришда муҳим босқич бўлди. Айнан мустақиллик шарофати билан биз улуғ аجدодимиз ҳаётининг кўпгина қирраларини ўрганиш бахтига эришдик. Ушбу жараённинг бошида Президент И.А.Каримов турганлиги таҳсинга лойиқдир. Хўш, мамлакатимизда Амир Темур омилига катта эътибор қилинишининг сабаби нимада? Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу биринчидан-подшо Россияси ва шўро мустамлакачилиги йилларида бизнинг онгимиздан ўчиришга ҳаракат қилинган ўзликни англашнинг тикланиши учун зарур эди. Пароканда мамлакатни бирлаштирган соҳибқироннинг: «Бизким мулки Турон, амири Туркистонмиз. Бизким миллатларнинг энг қадими ва улуғи—

⁷ Амир Темур жаҳон тарихида. 2-нашри. - Т.: Шарқ, 2001. Б. 27.

Туркнинг бош бўғинимиз» деган сўзлари ўзлигимизни англашга ёрдам беради.

Иккинчидан миллий ғурур ва миллий онгни юксалтириш учун унутилган тарихни қайта тиклаш лозим. «Амир Темур эса ана шу кўхна тарихнинг буюк чўққисидир». Ҳозирги ва келажақдаги авлодга аждодларимизнинг бой ва бетакрор мероси билан фахрланиш туйғусини тарбиялаш учун зарур эди. Соҳибкироннинг қадрияти мустақиллик даврида демократик, адолатли давлат барпо қилишга кўмакдошдир.

Юқорида билдирилган фикрдан келиб чиқиб, Амир Темур шахсига нисбатан хорижий муаррих ва олимлар талқинида билдирилган мулоҳазаларни таққослаш, қиёслаш, танқидий ёндашишлар орқали маълумотларни умумлаштирган ҳолда тарихшунослик нуқтаи назаридан ёритиб бериш тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Амир Темур ва Темурийлар мероси, унинг хориж муаррихлари томонидан ёритилиши тадқиқотимизнинг объектини ташкил этиб, Ўзбекистон Темуршунослигида Амир Темур шахсининг ғарб ва шарқ тарихнавислигида тутган ўрнини махсус тадқиқот сифатида илмий тарзда ёритиш.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.

Ушбу магистрлик диссертациясининг асосий мақсади Амир Темур ва темурийлар даври тарихи хориж муаррихлари томонидан қай даражада ўрганилганлигини очиб бериш, ҳар бир бўлим ва боблар юзасидан муҳим хулосалар чиқариш ҳамда уларни умумлаштирган ҳолда хориж муаррихларининг ишларига ҳолис баҳо бериш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Мазкур мақсаддан қуйидаги энг муҳим вазифалар келиб чиқади:

- Амир Темур даври тарихига оид асосий Шарқ манбаларини таҳлил қилиш;
- Ғарб мамлакатларида Амир Темур салтанатига доир муҳим манбаларни йўналишларга ажратган ҳолда тавсифлаш;

- Араб муаррихлари томонидан Амир Темур даврининг ўрганилишини ёритиб бериш;

- Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги муаррихлар томонидан Амир Темур салтанатининг ёритилиши қандай бўлганлигини манбалар асосида тарихшунослик нуқтаи назаридан баҳолаш;

- Россия ва Франция шарқшунослари асарларида Амир Темур давлати тарихининг ёритилишини таҳлил қилиш;

- Амир Темур салтанатини Ғарбнинг бошқа мамлакатлари шарқшунослари томонидан тадқиқ этилишини адабиётлар асосида ёритиб бериш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, мазкур мавзу ягона бир тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган. Асосан, Амир Темур давлатидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт алоҳида олиб борилган тадқиқот ишларида қисман тўхталиб ўтилган.

Мавзуга тааллуқли адабиётларни илмий хусусиятига қараб, уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги адабиётларга бевосита Амир Темур билан бир даврда яшаб ижод этган муаррихлар томонидан яратилган манбаларни киритиш мумкин. Яъни, Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. (Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-2 китоблар. Араб тилидан У.Уватов таржимаси. – Т.: “Меҳнат”, 1992; Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тухфат ан нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфар. Масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи Н.Иброҳимов. Т.: “Шарқ”, 2012; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмуаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. 1405-1429 йиллар воқеалари. Форс тилидан А.Ўринбоев таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008; Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ., 20 томлик. 13-т. Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. Т., “Фан”, 1997; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмуаи баҳрайн. 2-жилд, иккинчи ва учинчи қисмлар. 1429-1470 йиллар воқеалари. Форс тилидан А.Ўринбоев таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 2008; Амир Темур

Кўрагон. Зафар йўли (Таржимаи ҳол). Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмад – Т.: “Нур”, 1992; Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур (“Молфузоти Темурий”). Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қурбонбеков. – Т.: Махфират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти, 2000; Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси (“Қиссаи Темурий”, “Темур эсдаликлари”, “Молфузоти Темурий”). Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Бобобеков, А.Қурбонбеков, Ҳ.Бобоев, З.Бобокалонов – Т.: “Фан”, 2004; Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Юлдузча”, 1989; Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.Шамсиев, С.Мирзаев ва Э.Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Шарқ, 2002; Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Ю.Ҳакимжонов таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996; Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Рус тилидан Очил Тоғаев таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010; Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома (Амир Темур Кўрагон жангномаси). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат муаллифи П.Равшанов. – Т.: “Чўлпон”, 1990; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. (Мовароуннаҳр воқеалари. 1360-1370) Форс тилидан О.Бўриев таржимаси. Масъул муҳаррир ва нашрга тайёрловчи А.Ўринбоев – Т.: “Камалак”, 1994; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Форс тилидан эски ўзбек тилига Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов, Ҳ.Бобобеков. – Т.: “Шарқ”, 1997.

Иккинчи гуруҳдаги адабиётларга кўриб чиқиладиган даврда ёзилган манбалар асосида совет даври ва мустақиллик йилларида яратилган тарихий асарларни қиритиш мумкин. Бунга биринчилар қаторида Президентимиз томонидан яратилган асарлар, Амир Темур билан боғлиқ маълум саналарда қилган нутқларини қиритиш мумкин: Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т.: “Ўзбекистон”, 1996; Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. “Халқ сўзи”, 2011 йил, 9 апрель; Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти. “Халқ сўзи”, 2014

йил, 16 май. Шунингдек, Азамат Зиё. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. Т.: Шарқ, 2000; Амир Темур жаҳон тарихида. 2-нашри. Т.: Шарқ, 2001; Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2007; Дадабоев Ҳ. Амир Темур ҳарбий маҳорати. Т., “Ёзувчи”, 1996; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Т.: “Ўқувпеддавнашр”, 1956; Зияев Х. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. Т., 2008; Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Т.: Фан, 1994; Керэн Л. Амир Темур салтанати Т.: Маънавият, 1999; Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар салтанати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996; Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. 2 наشري Т.: “Фан”, 1993; Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркало мировой науки. Т., 1999; Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т., “Қомуслар Бош таҳририяти”, 1996; Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. Т.: “Шарқ”, 1997; Холбеков М. Амир Темурнинг Европа ҳукмдори билан ёзишмалари. Самарқанд, “Мерос”, 1996; Хукҳем Х. Етти иқлим султони. Т.: “Адолат”, 1999 ва бошқалар.

Шунингдек, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ҳалим Бобоев Амир Темур ва темурийлар давридаги сиёсий - ҳуқуқий таълимотлар тарихини тадқиқ этди⁸. У ўз тадқиқотида давлатни идора қилиш тадбирлари, кенгашлари, вазирлар ва амирларни жой-жойига қўйиш, мамлакатни идора қилиш, сипоҳ, Амир Темурнинг қарашлари, давлат функциялари ва бошқаларга тўхталиб ўтган. Ҳ. Бобоев асосан мавзунинг ҳуқуқий асосларини очиқ беришга интилан, бизнинг тадқиқот эса ижтимоий-сиёсий йўналишда олиб борилган ва ҳар икки ишда қўйилган масалалар ҳам бир-биридан фарқ қилади.

А.А. Тўлаганов 1996 йилда “Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи («Темур тузуқлари») мисолида»⁹ мавзuidaги номзодлик диссертациясини ёқлади. У «Тузуқлар»нинг яратилиш

⁸ Бобоев Ҳ. Б. Ўзбекистонда XIV-XVI асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар: Юрид.фан. докт. ... дисс. – Т.: ТДЮИ, 1993. - 48 б.

⁹ Тўлаганов А.А. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи («Темур тузуқлари» асосида): Юрид.фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: ТИИВ Академияси, 1996. - 24 б.

таърихи, унинг Мовароуннахр сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар таъриhini ўрганишдаги аҳамияти, Амир Темурнинг давлатни идора этиш тамойиллари, тадбирлар ва кенгашларнинг давлатчиликдаги ўрнини ёритган.

Зиёдулла Муқимовнинг 1998 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертациясида Ўзбекистон таърихining VIII-XIX асрларига оид таърихий-ҳуқуқий манбалари ва уларнинг юридик қимматиға ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан баҳо берилган¹⁰.

Дилдора Абиджонова инглиз илмий адабиётида Амир Темур даврининг ўрганилишиға оид илмий тадқиқот олиб бориб номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди¹¹. Бу тадқиқот ҳам бизға инглиз таърихшунослиги кўламини ўрганишимизда ёрдам беради.

Тадқиқотлар орасида Х. Маматовнинг «Темур тузуклари»да давлат ва ҳуқуқ масаласи» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиз. У «Темур тузуклари» орқали Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва тараққиёти, тасаввуф таълимотининг Амир Темур сиёсий қарашларининг шаклланишиға кўрсатган таъсири, унинг яратилиши ва ўрганилиши, давлат бошлиғи тўғрисидаги қарашлар, давлат бошқаруви ва давлат хизмати, ҳуқуқ, қонунчилик, ҳамда ҳуқуқий тартибот ҳақидаги масалаларға анча кенг тўхталган ва мавзунинг юридик моҳиятини очиб берган¹².

Ҳуқуқшунослик соҳасида ҳимоя қилинган ишлардан бири тадқиқотчи С. Хидиров муаллифлигида бажарилган. “Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми” мавзуида ёзилган бу диссертацияда Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва ривожланиши, унинг давлат тузуми, Амир Темур даврдаги ғоя ва мафкура, уларнинг давлат бошқарувига таъсири,

¹⁰Муқимов З. Основные исторические источники права Узбекистана (VIII-XIX вв.): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. - Т.: ТГЮИ, 1998. - 50 с.

¹¹ Абиджонова Д. С. Маварауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60-90-х годов XX в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т.: Институт истории АН РУз, 2001. - 26 с.

¹² Маматов Х.Т. “Темур тузуклари”да давлат ва ҳуқуқ масаласи: Юрид.фан. номз. ...дисс. - Т.: ИИБ Академияси, 2002. - 156 б.

давлат бошқарув шакли, дипломатия ҳуқуқи каби бошқа мавзуларда изланишлар олиб борган¹³.

Тарихчи олима Шоҳиста Ўлжаева томонидан томонидан ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши, салтанатда жорий этилган бошқарув асослари ўз даврида нафақат мамлакатда истиқомат қилаётган кишиларнинг манфаатлари ҳамда фаровонлиги учун хизмат қилган, балки ғарб ва шарқ давлатлари ўртасидаги муносабатлар, халқаро ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий барқарорлиги, ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатганлиги таҳлил қилиб берилган¹⁴.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Мавзуни ёритишда турли давлатларда яратилган ёзма манбалар ва адабиётлардаги маълумотлар асосида қиёсий солиштирилди ҳамда тарихшунослик ва тарихий тадқиқот усулларида имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий муаммони ўрганиш ва таҳлил қилишда диалектиканинг умумфан – мантиқий, тизимли ёндашув ва анализ-синтез услублари ҳамда махсус тарихий – тарихий-генетик, хронологик-диахрон ва тарихий қиёслаш услубларидан фойдаланилди. Шунингдек, тарихий билмоқнинг холислик, сабабийлик (детерминизм), тарихийлик ва тизимлилик (системали) тамойилларидан ҳам фойдаланилди. Турли манба ва маълумотларни таҳлил қилишда уларга қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан ёндашилди. Давр хусусиятларини назарда тутган ҳолда воқеалар тарихийлик, тадрижийлик, цивилизация ёндашув усуллари асосида умумлаштирилди ва таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асосини ишлаб чиқишда Президент И.А. Каримов томонидан илгари сурилган илмий-назарий кўрсатмалар, тарихий шахслар ва қадимий шаҳарларнинг юбилей тантаналарида сўзлаган

¹³ Хидиров С.Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми: Юрид.фан..номз. ... дисс. - Т.: ИИВ Академияси, 2002. – 178-б.

¹⁴ Ўлжаева Ш.М. Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши: тарих фан... ном... дисс. автореферати. – Т.: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 2008. – 44-б.

нутқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида белгиланган муҳим вазифалар ҳақидаги кўрсатмалардан ҳам фойдаланилди.

Диссертация ишида келтирилган маълумотлар ва хулосалардан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, ўрта махсус касб-хунар коллежларида ўтиладиган тарих фани дарсларида, ўлка тарихини ўрганишда, университетлардаги тарих факультетларида махсус курс маърузаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ёзма манбалар, хориж адабиёти ва бошқа маълумотларни комплекс жалб этиш билан бирга энг сўнгги тадқиқотларга суянган ҳолда Амир Темурнинг хорижлик муаррихлар нигоҳида қандай шахс бўлганлигини очиб бериш тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Шунингдек,

- Амир Темур даври тарихига оид асосий Шарқ манбаларини таҳлил қилинди;

- Ғарб мамлакатларида Амир Темур салтанатига доир муҳим манбаларни йўналишларга ажратган ҳолда тавсифланди;

- Араб муаррихлари томонидан Амир Темур даврининг ўрганилишини ёритиб берилди;

- Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги муаррихлар томонидан Амир Темур салтанатининг ёритилиши қандай бўлганлигини манбалар асосида тарихшунослик нуқтаи назаридан баҳо берилди;

- Россия ва Франция шарқшунослари асарларида Амир Темур давлати тарихининг ёритилишини таҳлил қилинди;

- Амир Темур салтанатини Ғарбнинг бошқа мамлакатлари шарқшунослари томонидан тадқиқ этилишини адабиётлар асосида ёритиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация мавзуси Қарши давлат университети “Тарих” кафедраси муҳокамасида тасдиқланган ва иш шу кафедрада бажарилган. Тадқиқот юзасидан университет миқёсида

Ўтказилган анъанавий “Фан, тараққиёт ва инновация” илмий конференциясида маъруза билан қатнашилди. Шунингдек, “Жанубий Ўзбекистон археологияси, этнологияси ва тарихининг долзарб муаммолари” республика илмий-амалий конференциясида, “Жанубий Ўзбекистон археологияси, этнологияси янги манбаларда” республика илмий-амалий конференциясида маъруза билан қатнашди. Тадқиқот натижалари бўйича тўртта илмий мақола эълон қилинди.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти фасл, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 92 бетни ташкил этади.

I БОБ. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ЭНГ АСОСИЙ МАНБАЛАР

1.1. Амир Тему́р даври тарихига оид Шарқ манбалардаги асосий манбалар

Истиқлол йилларида мамлакатимизда темуршунослик асосан шаклланди. У йўналишда кўплаб монографиялар, китоблар, рисоалар ва илмий-оммабоп мақолалар нашр этилди. Минтақавий, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар ўтказилди. Лекин улар етарли эмас, албатта, таъкидлаш лозимки, Соҳибқирон сиймосини фақат таваллуди арафасида эмас, балки доимо хотирлаб, турли маърифий тадбирлар ўтказиш лозим.

Ўтмиш тарихимизни ёрқин саҳифалар билан безатилган Амир Тему́р сиймоси, уни фаолиятини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоғи лозим. Бу ўта зарур ва хайрли иш, энг аввало, Тему́р ва темурийлар даврида яратилган ёзма манбалар – ёдгорликларни тўлиқ ўзбек тилига таржима қилиш ва атрофлича тадқиқ этиш асосида амалга оширилди. Маълумки, Соҳибқироннинг илм-фан, маданият, айниқса, тарихнавислик илми ривожига катта аҳамият берганлиги туфайли ўша даврга оид кўпдан-кўп тарихий асарлар яратилган. Бу асарлар асосан форс ва араб тилларида ёзилган.

Амир Тему́р ҳақида яратилган асарлар орасида араб олимларининг рисоалари кўпчилиқни ташкил қилади. Бадриддин ал-Айний (1405 йил) ўзининг «Иқд ал-Жуман», Ал- Қалқашандий (1418 йил) «Субҳ Ал-Аъшав», Ал-Макризийнинг (1442 йил) «Китоб ал-Сулук», Ибн Кази Шухба (1448 йил) «Адх Дхаил ала тарих ал- слом», Ибн Ҳожар ал-Асқалоний (1372-1449) «Инбаа ал- Гумр» «Шу замон (машҳур) ўғлонлари ҳақида ғур (киши) ларга хабар», Ибн Арабшоҳнинг «Ажаиб ал – мақдур фи тарихи Таймур» (1450) Абул Маосин Тагриберди (1411-1469)нинг, «Ажаиб ал-Манхал ас-Софий, Ан-Нужум аз Захира» (Миср ва Қоҳира ҳокимлари (тарихи)дан порлоқ юлдузлар) (1465-1466), Ас-Сахавий (1427-1496), «Ад-Да у ал-Ламий» (Тўққизинчи аср улуғ) кишиларининг ҳаётини ёритувчи ёрқин нур», Ибн-

Ийос (1524) «Тарих би Ибн Халдун Ба Рихлатху Ғарбан ва Шарқан», Ибн Дўқмоқ ва бошқа муаррихлар соҳибқироннинг серқирра фаолиятининг баъзи қирраларини ўз ичига олган кўплаб асарлар яратган¹⁵. Афсуски, уларнинг кўпчилиги араб тилида ва баъзилари қўлёзма ҳолида бўлганлиги учун бизгача етиб келмаган. Бу асарларни Париж, Лондон, Қоҳира, АҚШ кутубхоналаридаги нусхалари ҳақида проф. Х.Исматуллаевнинг мақоласига ҳамда У.Уватовнинг Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарига ёзган сўзбошиси материалларига суянган ҳолда келтирилди.

Араб муаррихлари орасида Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал – мақдур фи тарихи Таймур» ,«Темур тарихида тақдир ажойиботлари» ёки «Амир Темур тарихи» номли асари алоҳида ўрин тутди. Бу асар 1436-1437 йилларда ёзилган бўлиб, француз, лотин, инглиз, турк, ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ўзбек тилига уни таниқли арабшунос олим У.Уватов таржима қилган. Асарнинг ғоят мураккаб тил ва нафис услубда ёзилганлиги уни турли тилларга таржима қилишни қийинлаштирган. Таржимон Ибн Арабшоҳ асарини маҳаллий муаллифлар ёзган асарлар билан таққослаб, фарқли томонларни изоҳлаб берган. У.Уватовнинг таъкидлашича Ибн Арабшоҳ ўз асарини кўрган ва бошқалардан эшитганлари асосида ёзилганлигини таъкидласа-да, амалда у фойдаланган манбалар тўрт қисмдан иборатдир. XIV – XV асрлардаги араб, форс манбалари; Амир Темур ҳақида халқ орасида тарқалган ривоят ва ҳикоятлар; ўша давр кишиларнинг ҳикоялари; муаллифнинг шахсий мулоҳазалари.

Асарнинг кўпгина қўлёзмалари бўлиб, муаллиф ҳаётлигида кўчирилган икки нусхаси, яна бошқа нусхалари бор. Бу асар XV аср тарихнавислиги ва бадиий адабиётининг яхши намунаси бўлиб, у насрий сажъ усулида ғоят нафис ва мураккаб тилда ёзилган. Таржимон У.Уватов асарни тарихий манба сифатида тўрт бўлимга ажратади. Биринчи бўлимда Темурнинг насаби болалик ва ўспиринлик даври воқеалари баён қилинади;

¹⁵ Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: “Шарқ”, 1997. Б. 4-5.

Иккинчи бўлимда соҳибқироннинг ҳокимиятга келган (1370 йил) даврдан умрининг охиригача олиб борган ҳарбий юришлари ўз аксини топган; Учинчи бўлимда Жаҳонгир вафотидан сўнгги (1405 йил) даврдан 1436 йилгача бўлган воқеалар ёритилган; Амир Темурнинг сифатлари, портрети (шакл – шамойили), хислатлари асарнинг тўртинчи бўлимини ташкил этади. Ибн Арабшоҳнинг асарида соҳибқироннинг ақл-идроки, буюк давлат арбобилиги, ҳарбий маҳорати, ахлоқи, шахсий фазилатлари, ташқи қиёфаси ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Ибн Арабшоҳ ўз юртидан Самарқандга олиб келингани, унинг ватани Амир Темур томонидан босиб олингани учун, муаллиф баъзи ҳолларда соҳибқирон ҳақида душманлик руҳида фикр билдиради. Баъзи ҳолларда У.Уватов таъкидлаганидек, асар насрий сажъ билан ёзилгани учун қофияга риоя қилиш мақсадида танқидий ибора ва сўзларни ишлатади. Темур ҳақидаги муҳим манбаларидан бири Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома» асаридир. Али Йаздий Эроннинг Язд шаҳридан узоқ бўлмаган Тафт мавзесида туғилган, таваллуди санаси ноъмалум. У 1415-1435 йилларда темурийлардан бўлган Иброҳим Султон хизматида, 1442-46 йилларда эса Мирзо Султон Муҳаммад хизматида бўлган. Султон Муҳаммад ўз бобоси Шохрух Мирзога қарши бош кўтаради ва Шохрух исённи бостириб, унинг маслаҳатчиларини қатл эттиради. Али Йаздийни сўроқ қилган Абдуллатиф уни Ҳиротга жўнатиб, ўлимдан қутқаради.

Шарафуддин Али Йаздий иқтидорли киши бўлганлиги учун Шохрух Мирзонинг кичик ўғли Мирзо Иброҳим Султон бобоси Амир Темур ҳақида асар ёзишни унга топширган, ўзи унга жуда кўп маълумотлар тўплаб берган. Шу тарзда 1425 йилда форсий тилда ибратли асар «Зафарнома» вужудга келган. Унда рангбаранг иборалар, шеърий мисралар, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдан парчалар келтирилганки, бу муаллифнинг жуда зукколигидан далолатдир. Асарга асос бўлган илк нусхани Амир Темурнинг сарой котиблари ёрдамида Иброҳим Султон ёзган. Кейинча бу нусха қайта ишланиб, Али Йаздий «Зафарномаси» ёзилган. Бу Амир Темурга

бағишланган асарларнинг энг яхшиларидан бири, ҳақиқатга яқини, мукаммал эканлиги таъкидланган. Шунинг учун асар француз (1713), инглиз (1723), итальян ва бошқа тилларга таржима қилинган. Муаррих Б.Аҳмедовнинг таъкидлашича, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг бошқа номлари: «Фатҳномаи соҳибқироний», «Зафарномаи Темурий», «Тарихи жаҳонкушойи Темурий» ҳам мавжуддир. Шунингдек, Б.Аҳмедов бу асар уч қисмдан иборат бўлиши мўлжалланган деб ёзади. Унинг биринчи қисми Амир Темур тарихига, иккинчи қисми Шохрух, учинчи қисми Иброҳим Султон даври воқеаларини акс эттириши режалаштирилган. Асарнинг фақат биринчи қисми мавжуд, қолган қисмлари эҳтимол ёзилмаган бўлиши мумкин.

Асар муқаддима ёки «Тарихи Жаҳонгир» (Чингизхон ҳақида) сўзбоши, икки фасл ва хотимадан иборат. Асарда соҳибқироннинг шажараси берилиб, муаллиф уни бошқа подшоҳ ва давлат арбобларидан устунлигини кўрсатган. «Зафарнома»да ҳазрат соҳибқирон енгилмас ва баҳодир жангчи, адолатли лашкарбоши, доно саркарда, буюк давлат арбоби, илм-фан ва дин ҳомийси, саховатли инсон, катта қалб эгаси эканлиги, шодлиги-ю изтироблари ҳаққоний акс эттирилганлигининг шоҳиди бўламиз. Асар 1997 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти томонидан нашр этилган. «Зафарнома» асарининг ўзбек тилидаги нусхасини сўзбоши, табдил, изоҳ ва кўрсаткичларини А.Аҳмедов, Ҳ.Бобобековлар бажарганлар.

Амир Темур ҳақидаги яна муҳим манбалардан бири Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асаридир. Низомиддин Шомий Табриз яқинидаги Шанби /Озон деган жойда туғилганлиги учун баъзи манбаларда Низомуддин Шанбий /Озоний деб юритилган, туғилган, вафот этган йиллари ноъмалум. 1393 йили Амир Темур Бағдодни олган пайтда Низомиддин Шомий ўша ерда бўлган ва соҳибқирон хизматига қабул қилинган, 1404 йилгача Амир Темур билан ҳарбий юришларда воқеанавис сифатида иштирок этган. 1402 йил соҳибқирон ўзининг тарихини ёзишни буюрган ва у ўз асарини 1402-1404 йилларда ёзиб тамомлаган. Асар Амир Темурнинг ҳокимиятга келишидан

(1370 й), то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Асарни ёзишда муаллиф Темурнинг уйғур котиблари томонидан туркий тилда ёзилган «Тарихи Хоний» шеърӣ асари ва бошқа манбалардан фойдаланган. Асарнинг айрим қисмлари француз, рус, инглиз, турк тилларига таржима қилинган. Китобда соҳибқироннинг фаолияти Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома»сидек кўкларга кўтарилмаган.

Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида ва ундан кейин яшаган муаррихлар Ҳофизи Абрў, Хондамир, Мирхонд, Абдураззоқ Самарқандӣ, Фасиҳ Хавофӣ ва бошқалар ҳам қизиқарли маълумотлар қолдирганлар. Соҳибқирон ҳақида ғарбӣ Европада ҳам жуда кўп асарлар яратилган. Амир Темур ҳаётининг хорижий тадқиқотчилари ҳақида ёзган профессор Х.Исмагуллаев таъкидлаганидек, ғарбликлар Темур тириклик вақтидаёқ у ҳақида жуда кўп маълумот тўплаганлар, аммо уни эълон қилиш мақсадида эмас, балки ундан кўрққан ҳукмдорлар ўз рақиблари ҳақида кўпроқ нарса билиш мақсадида шу ишни амалга оширганлар. Жумладан, италиялик савдогар Эммануэл Пилоти араб тилини мукамал билган ва Амир Темур ҳақида унинг тўплаган маълумотлари Венеция архивларида ҳозир ҳам сақланмоқда. Венециянинг Дамашқдаги консули Паоло Зане ҳам Темур ҳақида кўп маълумотлар тўплаган ва соҳибқирон Дамашқни олмасдан бир ой олдин у Венецияга чақириб олинган. Унинг маълумотлари ҳам эълон қилинмаган.

Темур ва темурийлар даврида яшаган муаррихлар Шарафиддин Али Яздӣ, Низомиддин Шомӣ, Мирхонд, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандӣ, Фасиҳ Хавофӣ, Муиниддин Натанзий ва бошқа қатор муаллифларнинг аксарияти ўша даврда яшаганликлари учун бўлиб ўтган воқеаларни унинг бевосита шохидлари сифатида жонли ва ишончли тарзда баён қилинганлар. Мана шу асарларни ўзбек тилига тўла таржима қилиш ва улар асосида чуқур ва фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш темуршунослигимизнинг долзарб ва кечириб бўлмайдиган энг муҳим вазифаларидан бўлмоғи керак. Шулар билан бир қаторда Соҳибқирон

шахсига бағишлаб яратилган хилма-хил афсоналару ривоят тарзидаги асарлар ҳам бор. Афсуски, баъзан мана шундай ривоятларга кўпроқ эътибор берилиб, муҳим ёзма манбалар иккинчи даражали бўлиб қолаётир.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини гавдалантириш унинг замони моҳияти, руҳи, муҳитини тасвирлаш учун гапни тарих фани таяниб келган ва бундан буён ҳам таянадиган асосзаминли энг муҳим ёзма манбалардан бошлаш мақбул. Амир Темур ҳаёт даврида замондошлари томонидан ва унинг ҳомийлигида ёки Соҳибқирон вафотидан кейин ҳали воқеаларнинг оҳори тўкилмай ва салафларнинг меросини эътиборга олган ҳолда яратилган асарлар илк манбалар сифатида ғоят қимматлидир.

Амир Темур замондоши – машҳур араб тарихчиси Абдурахмон Абу Зайд ибн Халдуннинг (1332-1406) фикрлари диққатга сазовор. Унинг кўп жилдли асосий тарихий-ижтимоий асари “Китоб ал-ибор” (“Насиҳатомуз мисоллар китоби”) жамият тараққиёти тўғрисидаги таълимотга ҳамда мусулмон Шарқи халқлари ва Мағриб халқлари тарихини ўрганишга қўшилган катта ҳисса деб тан олинган.

Ибн Халдун Дамашқ шаҳрининг Амир Темурга топширилиши шартлари ҳақида музокара олиб борган Дамашқ делегацияси таркибига кирган эди. Шу тариқа Ибн Халдун Амир Темур билан шахсан суҳбатлашишга мушарраф бўлган. Ибн Халдуннинг Амир Темур ташқи сиёсий фаолиятига қандай муносабатда бўлишидан ва унга қандай назар билан қарашидан қатъий назар, у Амир Темурнинг бетакрор ва ёрқин шахсига холис баҳо бермасдан иложи йўқ эди. Ибн Халдун Амир Темурнинг ҳарбий тарих соҳасидаги теран билимидан ҳайратга тушди. Ибн Халдун ўша пайтда Амир Темур сеҳргарлик ва жодугарлик кучига ҳам эга, деган та-саввурларни қатъиян рад қилди, унинг мунозара ва баҳсларни яхши кўрадиган ўткир заковатли ва теран зеҳнли инсон эканлигини таъкидлади.

Ибн Халдуннинг далолат беришича, Амир Темур ундан “Ўзингизнинг Мағриб мамлакатингизни, унинг манзиллари ва шаҳарларини батафсилроқ баён этиб берингиз”,- деб илтимос қилган. Амир Темур ўз суҳбатдошининг

ат-Табарий (X аср бошларида яшаган тарихчи) қарашларини шахсан қандай баҳолашини сўради. Мана шуларнинг ҳаммаси Амир Темурнинг кенг билимли ва синчков донишманд сифатидаги қиёфасини қимматли жиҳатлар билан тўлдиради.

Амир Темур замондошларидан бири Ибн Арабшоҳ (Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим (1389-1450) асари Амир Темур ҳақидаги манбалар қаторидан алоҳида ўрин олади. Ибн Арабшоҳ Дамашқда туғилиб ўсган. Бу шаҳар Амир Темур қўл остига ўтганида у 12 ёшда эди. У ака-укалари ҳамда онаси билан бирга Самарқандга олиб кетилади, бу ерда 1401 йилдан 1408 йилгача яшайди. Ибн Арабшоҳ шу ерда таълим олади, шарқ тилларидан бир нечтасини ўрганади, ҳар ҳолда Амир Темурнинг ўз саройига бўлмаса-да, Темурийлардан бирининг саройига яқинроқ турганлиги сезилади. 1408 йилдан кейин Шарқ мамлакатлари бўйлаб кўп саёҳат қилгач, она шаҳри Дамашққа қайтади, сўнгра Қоҳирада яшайди ва шу ерда вафот топади. Ибн Арабшоҳ тарих, адабиёт, грамматикага оид бир қанча асарлар ёзган. Унинг қаламига мансуб “Ажойиб ал-мақдур фи ахбори ат-Таймур” (“Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари”) Амир Темурга ва унинг замонига бағишланган салмоқли асардир.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурга нисбатан душманлик руҳидаги муаллифлар жумласидан эди. Бу ҳол унинг асарида тўла акс этди.

Мана шундай муайян бир ҳолатда, Ибн Арабшоҳнинг Темур давлати ва унга чегарадош мамлакатлар сиёсий, ҳўжалик ва маданий турмушини кўшимча равишда ойдинлаштириб берувчи кўпдан-кўп диққатга сазовор мисолларни баён қилиши ғоят муҳимдир. Дунёдаги кўпгина шарқшунослар, тарихчилар, санъатшунослар Ибн Арабшоҳ асарининг ана шу жиҳатига зўр эътибор билан қараб келмоқдалар. Диққатга молик яна бир жиҳати шундан иборатки, Ибн Халдун каби Ибн Арабшоҳ ҳам Амир Темурга нақадар салбий назар билан қарамасин, ҳар ҳолда, унинг шахсини муносиб баҳолади: “Етмиш ёшли Темурнинг фикрлари ҳали ҳам қатъий, жисмоний жиҳатдан кучли ва бақувватдир... - деб ёзади Ибн Арабшоҳ. У истехзо ва сохталиқни

ёқтирмайди, бахтсиз ҳодиса рўй берганда ғамга ботмайди, доим сергак ва мардона туради, унинг олдида ҳамма итоатгўй бўлиб қолади ва ҳурмат бажо келтиради. У мард ва жасур одамларни ёқтиради... У масаланинг моҳиятини дарҳол пайқаб оладиган моҳир баҳсчи эди... У фаросати билан ҳақгўй - ёлғончини дарров фарқлар эди, самимий маслаҳатчиларни сохта насихатгўйлардан фарқлар эди”. Лекин шундай бўлса-да, Ибн Арабшоҳнинг фақат ўзи кўрганлари ҳақида ёзганлари ишончга сазовор. Бировлардан эшитиб ёзганлари эса кўпинча уйдирма ва ҳатто афсонадан иборат. Муаллиф асарни ёзишда бирорта ишончли манбага асосланмаган.

“Ажойиб ал-мақдур фи ахбори Таймур” асарининг қўлёзма нусхалари Франция, Миср, Сурия, Туркия ва Россия кутубхоналарида сақланмоқда.

Матни Лейден (Голландия), Қоҳира (Миср), Калкутта (Ҳиндистон)да чоп этилган. Ундан кўпгина парчалар лотин (С.Н.Мангер), француз (П.Ватье), инглиз (И.И.Сандерс), рус (А.Э.Шмидт) тилларида нашр этилган. Ўзбек тилида икки жилддан иборат китобда (У.Уватов) чоп қилинган¹⁶.

Ибн Арабшоҳ баён этган яна бир маълумот диққатга сазовордир. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темур замонида (албатта, ижтимоий тузум, диний ахлоқ ва расм-русмлар доирасида) халқ оммаси Соҳибқирон амри билан ўтказилган барча катта байрам ва зиёфатларда иштирок этарди. Темур шаҳарда бўлмаган вақтларда унинг саройларидаги катта боғларга Самарқанднинг аҳолиси бемалол кираверарди. Ибн Арабшоҳнинг далолат беришича, подшоҳ оиласидаги катта байрамлар шарафига Самарқанд халқини ҳар хил тўловлардан озод қилиш одати ҳам амал қилар эди.

Бундан етти йил муқаддам – 1990 йилда Ливаннинг пойтахти Байрутдаги “Дор ан-Нафоис” матбаасида “Буюк саркардалар” туркуми остида ҳарбий тарих бўйича етук олим, истеъфодаги полковник Муҳаммад Асадуллоҳ Сафонинг “Темур” номли илмий-оммабоп асари чоп этилган эди. Китоб охирида ёзилган сўнгги сўзга биноан муаллиф узоқ йиллар Сурия армиясида юқори лавозимларда хизмат қилган, ҳарбий мавзуларда бир неча

¹⁶ Амир Темур жаҳон тарихида... Б. 201.

китоблар ёзган, ҳозирги вақтда эса “ад-Дифаъ ал-исломий” (“Исломий муҳофаа”) номли мажалланнинг бош муҳаррири вазифасида ишларкан.

Муҳаммад Асадуллоҳ Сафонинг йигирма саккиз бобдан иборат бу йирик асари, айтиш мумкинки, Амир Темур даври, унинг ҳаёти ва фаолиятига, айниқса ҳарбий даҳосига бағишланган араб тилида ёзилган йирик тадқиқотлардан биридир.

Рисолада Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни, айниқса унинг турли мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари алоҳида таъкидланади. Унинг ҳарбий соҳадаги улкан ислохотлари, бу борада у жорий қилган янгиликлар ва кашфиётлар аниқ фактик маълумотлар ёрдамида кенг қўламда шарҳланади. Соҳибқироннинг сиймоси, унинг хулқ атвори, табиати, юксак инсоний фазилатлари, унинг диний қарашлари ва дин аҳлига бўлган муносабати каби масалалар махсус бир бобда ўз ифодасини топган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, араб олимининг мазкур асари Амир Темур ҳазратларининг жўшқин ҳаёти ва серқиррали фаолиятини ҳар томонлама ўрганишда қимматли тадқиқотлардан бири сифатида хизмат қилади.

Муаллиф ўз асарининг ҳар бир бобида келтирган маълумотларини жуғрофий хариталар ва чизма жадваллар (схемалар) билан жиҳозлаганки, шубҳасиз, бу ҳол катта илмий аҳамиятга моликдир. Амир Темур ҳазратларининг оилавий шажараси ҳақида китоб сўнггида келтирилган жадваллар аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, буюк давлат арбоби, илм-фан ва маданиятнинг йирик ҳомийси, моҳир саркарда ва лашкарбоши Амир Темур ҳазратларининг ёрқин ҳаёти ва жўшқин фаолияти XV аср араб муаррихларининг назаридан четда қолмай, улар асарларида ҳам муносиб тарзда ифодасини топган.

1.2. Ғарб мамлакатларида Амир Темур салтанатига доир муҳим манбалар

Ғарбий Европа халқлари адабиётларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ниҳоятда кўп, бироқ Соҳибқирон ҳақидаги илк асарлар эсдаликлар тарзида ёзилган бўлиб, улар Амир Темур замондошлари қаламига мансубдир.

Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундалик” лари Темур ва темурийлар даври тарихидан баҳо юргизувчи муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Китоб 1404 йили Самарқандда Темур саройида турган Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1390-1406) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг йўл хотираларидан иборат, яъни унинг 1403-1404 йиллари Туркия, Эрон ва Мовароуннаҳрда, хусусан Амир Темур саройида кўрган-билганларини ўз ичига олган муҳим бир асардир.

“Кундалик” муаллифи Руи Гонсалес де Клавихо бадавлат ва нуфузли оқсуяк оиладан чиққан. Отаси ҳам, ўзи ҳам қирол саройида йирик мансабда туришган. У қирол Генрих III нинг вафотидан (1406) кейин она шаҳри Мадридга кетиб қолади ва умрининг охиригача ўша ерда истиқомат қилади. Руи Гонсалес де Клавихо 1412 йилда вафот этади ва авлиё Франциско черковидаги ота-боболарининг хилхонасига дафн этилади.

Клавихонинг Амир Темур юртига қилган элчилик саёҳати 1403 йилнинг 22 майида бошланиб, ўн беш ой деганда у Самарқандга етиб келди. Бу саёҳатда Клавихога илоҳиёт илмининг номзоди (магистри) Альфонсо Паэс де Саита Мария, қиролнинг махсус соқчиси Гомес де Салазар ҳамроҳ бўлдилар. Клавихонинг сафари Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга хожа Муҳаммад қози бошчилигида йўллаган элчилигига жавобан қилинган эди. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, XIV асрнинг 80-90-йилларида Темур давлатининг шон-шухрати Европа мамлакатларигача бориб етди. Англия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатларнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иқтисодий (савдо) муносабатлар ўрнатишга интилиб, улуғ жаҳонгир ҳузурига мунтазам

равишда ўз элчиларини юбориб турдилар. Масалан, юқорида тилга олинган Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси дон Пелагия де Сатоматир ва дон Фердинанд де Паласуелос 1402 йили Темур Қорабоғда турганда унинг хузурига келишган ва ўша йилнинг 20 июлида Амир Темур билан Боязид I Йилдирим (1389-1402) қўшинлари ўртасида бўлган энг катта қирғин-барот урушни томоша қилишган эдилар. Жангдан кейин уюштирилган катта қабул маросимида булардан башқа яна бирталай мамлакатларнинг элчилари ҳам катнашдилар. Хуллас, ўша йиллари Темур билан Европа давлатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатлар қандай бўлганлигини жуда кўп расмий ҳужжатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Булар Темур ва унинг учинчи ўғли Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжон ҳокими мирзо Мироншоҳ (1393-1408) билан Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар подшоҳлари ўртасидаги мактублардир. Мактублардан айримлари бугун машҳур Британия музейи (Англия) ва Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Клавихонинг Амир Темур хузурига қилган элчилик саёҳати жуда узоқ, хавф-хатар ва машаққатлар билан тўла сафар бўлди. Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Испаниянинг жануби шарқий тарафида жойлашган Кадис шаҳридан елканли кемада Ўрта ер денгизи бўйлаб суздилар, сўнгра Стамбул, Трабзон, Арзирум, Табриз, Техрон, Машҳад, Марв ва Балх орқали куруқликда йўл босдилар. Улар Термиз қаршисида Амударёдан ўтиб, Кеш орқали 1404 йилнинг 31 августида Самарқанд қишлоқларидан Мисрга келдилар ва соҳибқироннинг шу атрофдаги чорбоғига келиб тушдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўшанда Клавихо билан бирга Бобил (Миср) ва Туркия султонининг элчилари ҳам Самарқандга келдилар.

“Кундалик” да ўша вақтларда Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқининг кун кечириши, Темур ва унинг яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар: қасрлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар; Темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда (Клавихо уни Татаристон деб атайдиган), Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган

сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва ниҳоят, соҳибқироннинг хотинлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар, шубҳасиз, Туркистон заминнинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий тарихини, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ўрганишда муҳим тарихий манбалардан бири ролини ўташи турган гап. Сўзимнинг исботи учун бир неча мисол келтираман. Самарқанд ва унда Амир Темур тарлфидан қурдирилган бинолардан баъзилари ҳақида Клавихо жумладан мана буларни ёзади:

Самарқанднинг бойлиги ҳақида. «Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, [бошқа] ҳар хил гўшт, қўйингки ҳамма нарсага бойдир... бир жуфт семиз қўйнинг нархи дукат». (Дукат — Испанияда ўша вақтда амалда бўлган олтин пул).

Катта хиёбон ва савдо расталари ҳақида. “Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоят бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шаҳарга келтирилган молларни бир сафда тартиб билан жойлаштириб сотадиган кенг жой [шу пайтгача] йўқ эди. Подшоҳ икки тарафида қатор дўконлар жойлаштирилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди. Мазкур кўча шаҳарнинг бир чеккасидан бошланиб, қоқ ўртасидан ўтиб, иккинчи чеккасидан чиқиши лозим эди. Подшоҳ бу ишни икки мирзосига топшириб, улар кечаю кундуз [тинмай] меҳнат қилдилар. Йўлга тушган уйлар кимники бўлишидан қатъи назар, бетўхтов бузилди... Кўчанинг икки тарафига дўконлар қурилди, ҳар бир дўкон олдида мармар билан қопланган юксак курсилар ўрнатилди. Ҳар бир дўкон иккита хонадан иборат эди. Кўчанинг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган”.

“Шу йили (1404 йили) июнь ойида Хонбалиқ шаҳридан қарийб 800 туядан ташкил топган савдо карвони Самарқандга келди».

Ўрдабозор. [Қатта тўй муносабати билан подшоҳ] “Самарқанд шахрининг савдо аҳли: саррофлар, читфурушлар, жавоҳир ва бошқа турли-туман моллар билан савдо қилувчилар, ошпазлар, қассоблар, новвойлар, тикувчилар, кафшдўзлар ва шаҳардаги бошқа барча хунармандлар подшоҳ ўрдаси жойлашган ялангликка чиқиб ва чодир тикиб савдо қилсинлар, ҳар бир косиб қароргоҳ бўйлаб кезиб, ўйин-кулги билан одамларнинг баҳрдиллини очсин”, - деб буюрди. Шундан кейин барча тижорат аҳли шаҳардан чиқиб, подшоҳ қароргоҳи атрофига жойлашдилар. Ҳар бир хунарманд тартиб билан алоҳида-алоҳида раста ҳосил қилиб, ҳарбий ўйин-кулги уюштириб, қароргоҳ бўйлаб айландилар”.

Кўксарой қасри ва ундаги подшоҳга тегишли қурол ишлаб чиқарувчи устахона ҳақида. “Шаҳар четида бир қаср бўлиб... теварак-атрофи сув оқиб турган хандақ билан ўралган бўлиб, қаср йўлаб бўлмайдиган истехком бўлиб қолган эди. Қасрда подшоҳнинг хазинаси сақланар, бу сабаб қозию қуззот (қози-калон) ва унинг мулозимларидан бошқа ҳеч ким [у ерга] киролмас эди. Бу ерга подшоҳнинг фармойишига биноан, бир мингга яқин хунарманд асирлар жойлаштирилганди. Улар салтанат учун йил бўйи совут, дубулға, камон, найза ясайдилар”.

Амир Темурнинг ўзи билан бирга олиб юрадиган кўчма масжиди ҳақида. “Элчиларни... саропардада қўйилган ёғоч уй олдида бошлаб кирдилар. Бу баланд иморатга зинапоя орқали чи-қилади. Унинг теварак-атрофи ёғоч даҳлиз ва ойнабанд айвон билан ўралган эди. Тамом зарҳал ва ҳаворанг бўёқлар билаи нақшланган бу бино шундай қурилган эдики, керак бўлганда бўлак-бўлак қилиб тахлаб қўйилса [ҳам] бўларди. Бу - подшо ибодат қиладиган масжид бўлиб, уни [Амир Темур] сафарда ўзи билан бирга олиб юрарди”.

Сароймулкхоним тасвири: “Барча халқ ўринларига ўлтириб, саранжомлик ўрнатилгандан кейин тўйда, подшоҳ ҳузурида бўлиши лозим бўлган катта Канъо чодирлар ёнидаги саропардаларнинг биридан чиқиб келди. Хоним мана бундай кийинган эди: эгнида зар билан тикилган, этаги

ергача судралиб турган узун ва кенг енгсиз қизил шойи кўйлак. Ёқа ва икки енг ўрнидан бўлак очик жойи бўлмаган бу кўйлак белидан торайтирилган, этагига қадар кенгайиб боради... Кўйлак этагини ўн бешга яқин аёл кўтариб борарди. Хонимнинг юзига офтобдан сақланиш учун шу қадар кўп оқ ёғли упа сурилган эдики, чеҳраси бамисоли оқ қоғозга ўхшарди. Қишда ва ёзда сафарга чиққан барча асилзода аёллар юзларига шунақа ёғли упа суртадилар. Хонимнинг юзига юпка оқ мато ташлангаш, бошида фақат жангда кийиладиган дубулғага ўхшаш баланд, қизил тусдаги бош кийими. Унинг бир учи хонимнинг елкасига тушиб турибди. Ўша қизил дубулғага жуда кўп йирик, дона-дона марваридлар, ёқут, фируза ва бошқа хилма-хил [қимматбаҳо] тошлар. қадалган. Бош кийимниш ҳалиги елкага тушиб турган кисми зар билан тикилган, [унга]қимматбаҳо тошлар ва йирик марваридлар билан безатилган чиройли олтин баргак қадалган... Хонимнинг тим қора сочлари елкасига тушиб турарди...”.

Халил Султон тасвири: “Халил султон отасига ўхшаш миқти гавдали, оқ юзли, 22 га кирган (1404 йил) йигит эди”.

“Кундалик” да шунга ўхшаш қизиқарли маълумотлар жуда кўп.

Асарда учрайдиган камчиликлардан бири - бу киши ва жой номларининг ёзилишидаги чалкашликлардир. Албатта, бошқа миллат кишиси учун маҳаллий атамалар ва сўзларни тўғри талаффуз қилиш жуда қийин. “Кундалик” да тилга олинган Амират - Мурод, Кариль султан - Халил султон, Кирманоли - Мануил Палеолог, Карамиш - Тўхтамиш, Миаша мирасса - Мироншоҳ мирзо, Ангури - Ангора, Балдат - Бағдод, Баубертель - Бовард, Канбалек - Хонбалик, Каррас - Аракс, Орасан - Хуросон эканлигини англаш мумкин. Лекин улар орасида Буамо, Талисия, Жагаро каби атамалар ҳам борки, уларии асло аниқлаб бўлмайди.

Ушбу асар биринчи марта 1582 йили, яъни ёзиб тамомлангандан 150 йил кейин Испаниянинг Севилья шаҳрида “Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти” номи билан чоп этилди. Орадан 200 йил кечгач, 1782 йили у Мадридда шу номда иккинчи марта нашр этилди. “Кундалик” испан тилида

учинчи марта 1949 йили Мадридда Лопес Эстрада тарафидан нашр этилди. Асар рус тилида биринчи марта (таржимон И.И. Срезневский) 1881 йили Петербургда чоп этилган. 1990 йилда “Кундалик” иинг яна битта русча иашри (И.С. Миракова нашри) амалга оширилди. Таниқли адабиётшунос олим профессор Очил Тоғаевнииг ўзбекча нашри И. И. Срезневский нашрига асосланган ва талаб даражасида амалга оширилган.

Президентимиз Ислон Каримов Испания қироли Хуан Карлос I нинг таклифига биноан 2003 йил 27-29 январ куни давлат ташрифи билан Испанияда бўлади.

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари журналистларга интервью бериб: - Испания географик жиҳатдан нисбатан бизга узоқ мамлакат бўлса-да, Ўзбекистон учун яқин давлатлардан бири. Амир Темур саройида Испания элчиси Клавихо фаолият кўрсатган. Ўз навбатида Амир Темур томонидан Испания Қироллигига Муҳаммад ал-Кеший элчи этиб тайинланган.

Ушбу маълумотларнинг ўзи ҳам бундан 600 йил муқаддам икки халқ ўртасида маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилганини кўрсатиб турибди.

Яна бир муаррих Амир Темурни кўрган, у билан бевосита мулоқотда бўлган, ҳатто соҳибқирон ўз давлати номидан Франция қироли билан алоқа боғлашни ишониб топширган монах Иоанн Гринло Султониядир (Жан (Иоанн)). У Соҳибқироннинг ишончини қозонади ва унинг мактубини француз қироли Карл VI га топширади. У Парижда туриб “Темур ва унинг саройига оид хотиралар” (*Memoires sur Tamerlan et sa cour*) деган асар ёзади. Уни Монравилл деган олим кириш сўзи ёзиб нашр эттиради. Асарнинг номини ношир қўйган деб қайд қилади Х.Исматуллаев. Асар 23 бобдан иборат, ҳар бир боб кичик – кичик бўлса-да, номланган. Унинг лотин тилидаги нусхаси Рим папаси учун, француз тилидагиси Франция қироли учун ёзилган бўлса керак.

Анқара жангидан сўнг Франция ва Англия ёзишмалар орқали Амир Темур билан дипломатик муносабат ўрнатди. Француз қироли Карл VI билан Амир Темур ўртасидаги ёзишмаларнинг бир қисми Франция ҳужжатхонасида сақланган¹⁷.

Улардан англашилишича, Амир Темур Франция қиролининг таклифларини рад этмаган ва Карл VI нинг Шарққа нисбатан сиёсатини қўллаган. Амир Темурнинг форсча ёзилган ва 1402 йил 1 август санаси қўйилган мактуби аслида Анқара жангидан (1402 йил 20 июл) аввал ёзилган бўлиб, унга сана кейин қўйилганлиги аниқланди. Мактубда Амир Темур ўз давлати билан Франция ўртасида савдо алоқаларини ўрнатиш истагини билдирган.

Амир Темурнинг бизгача сақланиб қолган лотинча таржимадаги иккинчи мактуби ҳам 1402 йил 1 август билан саналанган. Иккала мактубни ҳам Султониянинг католик архиепископи Иоанн III Францияга олиб борган.

Архиепископ Иоанн бошчилигидаги элчиларнинг 1403 йил июнида Парижга ташриф буюрганликлари ҳақидаги хабар “Франклар қилмишларининг даврий битиги” да келтирилган. Элчи Парижга келиши билан ташрифнинг асосий мақсадларини тантанали равишда баён қилди:

1) Амир Темурнинг турк султони устидан ғалабаси ва турк султонининг асир қилинганлиги ҳақида, Боязид томонидан асир олинган насронийларнинг озод этилганлиги ва агар яна бошқа насроний асирлар бўлса, Амир Темурнинг уларни ҳам озод этиш майли борлигини маълум қилиш;

2) Франция салтанати буюклигининг шоҳиди бўлиш истагини ва Амир Темур салтанати ҳашаматини билдириш.

Шундан сўнг элчи Амир Темур насроний давлатларни қизиқтирувчи қуйидаги икки таклифни киритишини айтди:

- икки давлат савдогарларининг эркин савдо муносабатларини таъминлаш;

¹⁷ Амир Темур жаҳон тарихида... Б. 128.

- агар қирол герцоглар рози бўлишса, бу савдо эркинлигини тегишли битим орқали кучга киритиш.

Карл VI нинг Амир Темур номига 1403 йил 15 июлда йўллаган биргина мактуби сақланган. Мактуб: “Карл, худонинг марҳамати билан французларнинг қироли, энг шавкатли ва энг ғолиб ҳазрат подшоҳ Темурбекка салом ва тинчлик бўлсин” сўзлари билан бошланади. Сўнгра мактубда Франция билан Амир Темур давлати ўртасида савдо алоқалари ўрнатиш масаласига катта ўрин берилган. Карл VI мактубидан унинг фуқаролари Амир Темур мулкига бемалол бора олганликлари англашилади.

Амир Темур билан Карл VI ўртасидаги ёзишмадан маълум бўлишича, иккала подшоҳ ҳам савдо битими тузишдан манфаатдор. Бироқ 1405 йил февралда Амир Темур вафот этиши бу ишни поёнига етказиш имконини бермади.

Амир Темур ва Мироншоҳ Англия билан ҳам дипломатик ёзишмалар олиб боришган. Англия қироли Генрих IV (1399-1413) нинг латинча ёзилган ва Мироншоҳ билан Амир Темурга йўлланган икки мактуби сақланган. Бир тарафдан, Амир Темур ва Мироншоҳ билан, иккинчи тарафдан, Англия қироли ўртасида яна ўша эслатилган Султония архиепископи Иоанн воситачи бўлган. Архиепископ Иоаннинг дипломатик ташрифи 1399 йил (Генрих IV тахтга ўтирган йил) билан 1404 йил орасидаги даврни ўз ичига олади¹⁸.

Генрих IV дан келган мактубда Мирзо Мироншоҳ “Мирасса Амирасса” деб аталган. Қирол Мироншоҳнинг католикларга бўлган дўстона ва хайрихоҳлик муносабатлари ва “айниқса диний арбобларга ва франко-католикларга лутфи қарам бахш этиб, насроний савдогарларнинг шахсий ва фаолият хавфсизлигини таъминлаганлиги ва баробарига савдо ғаразига хайрихоҳлиги” учун миннатдорчилик изҳор этади.

Мактубда, “буюк подшоҳ католик динининг ҳомийси... бундан кейин ҳам бу қадар тавфиқли ва саодатли ниятлардан воз кечмаслигига” умид

¹⁸ Амир Темур жаҳон тарихида... Б. 127-128.

билдирилади, ҳамонки “жаноби олийлари ўз хоҳишлари билан ... худонинг шукри учун давлат ишларига тааллуқли баъзи масалалар хусусида ва шу вақтдан бошлаб сулҳ борасида биз билан дўстона битим тузишга ирода этибдилар, жаноби олийлари билишни лозим топсинларким, биз ана шу битимга бизнинг номимиздан мазкур архиепископ имзо чекишини астойдил истаймиз”. Англия қироли архиепископ Иоаннга тўла ишонишини билдиради: у инглизларнинг ишларидан яхши хабардор бўлган¹⁹.

Мактуб бундай якунланади: “Бизнинг илтимосимизга кўра ҳам, унинг олий мартабасига кўра ҳам (архиепископининг) сўзларига тўла ишонишингизни сўраймиз, шунингдек унга бўйсунганларнинг ҳаммасини ва махсус бириктирилган яна неча шахсни ҳам қабул қилишингизни сўраймиз, бизга ҳаммасини аниқ тавсиф этингки, биз ҳам ўз тарафимиздан жанобларининг истакларини бажо келтиргаймиз”²⁰.

Мактуб Лондон шимолидаги Хортфордда феврал ойида, аниқланишича, 1402 йилда (мактубда йил кўрсатилмаган) ёзилган.

Генрих IV нинг Амир Темурга мактуби Соҳибқироннинг ҳозиргача сақланган мактубига жавобан ёзилган. У шундай бошланади: “Генрих, худонинг марҳамати билан Англия ва Франция қироли, шунингдек Ирландия ҳокими, буюк ва кудратли подшоҳ Темурбекка, Тангрини севувчи дўстга, ҳаммасининг халоскорига салом ва тинчлик бўлсин”.

Архиепископ Жан Франция қироли Карл VI топшириғига биноан ўзининг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»ини ёзади. Асар 23 қисм (боб) дан иборат. Унда Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахтига чиққан пайтдан 1402 йил август ойигача бўлиб ўтган асосий воқеа ва ҳодисалар тилга олинади.

“Хотиралар” билан илк бора танишган кишида у афсоналар ва ҳақиқат омухтасидан иборат асар, деган таассурот туғилиши табиий. Ҳақиқатан ҳам муаллиф Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бизга маълум ва

¹⁹ Умняков И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV в. – М., 1960. Стр. 7.

²⁰ Ўша асар. Стр. 9.

номаълум афсона-ривоятлардан кенг фойдаланган. Масалан, Амир Темурнинг амир Ҳусайн элчилари олдида ишлатган ҳийласи (I боб) ва Соҳибқирон билан Эдигни (Идику) ўртасидаги муносабат (XVII боб) ҳақидаги ҳикоятлар шулар жумласидандир. Бироқ, “Хотиралар” да бошқа манбаларда мавжуд аниқ тарихий маълумотлар ҳам кўп.

Асарнинг II боби Амр Темур исмининг талқини хусусида бўлиб, архиепископ Жан қуйидагича изоҳлайди: “Бу императорнинг исми Темурбей эди; бу исм қуйидагича талқин қилинади ва изоҳланади: Темурбей атоқли отдир ва “темир” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “фер” (французча “темир”) маъносини билдиради ва “бей” сўзи “ҳукмдор” маъносига тенг бўлиб, “темир ҳукмдор” деган маънони англатади. Бошқалар уни “Тамурлан” деб аташади, бу сўз ҳам “темир” дан келиб чиққан бўлиб, французчасига “Темур оқсоқ” деган маънони билдиради. “Оқсоқ” унинг лақаби эди.

Бу татарча ва форсча талқинлардир. Эронда уни “миритабам”, яъни “ҳукмдор” деб ҳам, “калон”, яъни “буюк ҳукмдор” деб ҳам аташади”²¹.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид асарларга асосий манба бўлиб хизмат қилган – Испания (Кастилия) қироли элчиси Руи Гонсалес де Кловихонинг “1403 – 1406 йилларда Темурнинг Самарқанддаги саройига саёҳат кундаликлари”ни тилга олиш зарур. Бу муҳим тарихий асар испан тилида икки марта, француз ва инглиз тилларига таржима қилинган. Афсуски, ҳозиргача Руи Гонсалес де Кловихонинг “Кундаликлари” ўзбек тилида чоп этилгани йўқ. Шу тоифадаги манбалар қаторига католик руҳонийси Иоаннинг “Хотиралари” ва бавариялик И.Шильтбергернинг “Эсдаликлар” ини киритиш мумкин.

Иккинчи тоифа манбаларга Шарқ тарихнавислари қулёзмаларини ғарб тилларига қилинган таржималари киради. Европа шарқшунослигида, айниқса Францияда, Амир Темурга бағишланган Шарқ қулёзмаларини ғарб тилларига таржима қилиш диққат марказида бўлиб келган ва келмоқда. Бу соҳада

²¹ Жан (Иоанн). Амир Темур ва унинг саройи. // Г. “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati”. 2005 yil 20-son.

амалга оширилган катта ишлар сирасида Шарафуддин Али Йаздий “Зафарнома” сининг Ф.Пети де Круа таржимаси (Париж, 1722), Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал - макдур фи тарихи Таймур” асарининг “Буюк Темур тарихи” номи билан В.Ватъе таржимаси (Париж, 1998), Абулғози Баҳодирхоннинг “Мўғуллар ва татарлар сулоласи тарихи”нинг Барон Деиззон таржимаси (Лайден, 1726), Абдураззоқ Самарқандийнинг “Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўйилиш ўрни” асарининг А.Голлан таржимаси (Париж, 1715), Ибн Холдун “Таржимаи холи”нинг В.де Сеан таржимаси (Париж, 1952), Ибн Батутта “Саёҳатлари”нинг С.Дейреиери ва В.Сангинетти таржимаси (Париж, 1853), Мирзо Улуғбек “Зижи Курагоний”сининг Э.С. Эдило таржимаси (Париж, 1853), Мирходнинг “Сосонийлар тарихи” асарининг М.Дефреиери таржимаси (Париж, 1845), ва бошқа асарларни кўрсатиш мумкин. 1787 йили таниқли француз олими Э.М. Ланглэ “Темур тузуклари” - “Тузукот” ни француз тилига таржима қилган. Низомиддин Шомий “Зафарнома” сининг чех олими Ф.Тауэр томонидан қилинган французча таржимаси 1937 йилда Прагада чоп этилган бўлса, Хофиз Абрунинг Низомиддин Шомий “Зафарнома” сидан парчалари машҳур француз шарқшунос олими А.Массенинг “Шарқ антологияси” тўпламида 1950 йилда Парижда нашр қилинган.

Учинчи тоифа манбалар – бу Европа шарқшуносларининг Шарқий тарихий қўлёзмалар ва бошқа ашёвий далиллар асосида Амир Темур ҳаётидан сўнг турли асрларда яратилган асарлардир. Европа шарқшунослари XVI асрдан бошлаб Амир Темур шахси, Темурийлар даври маданияти ва тарихига бағишланган тадқиқотларни чоп эта бошлаганлар. 1822 йили таниқли француз олими Сильвестр де Саси Амир Темурнинг Француз қироли Шарл VI билан ёзишмалари тўғрисида мазмунли мақола ёзган. Француз Темуршунослиги жавонидан муносиб ўрин олган асарлар жумласига Санксийоннинг “Буюк Темур тарихи” (Париж, 1677), С.Мураджа д'Охсоннинг “Чингизхондан Темургача мўғуллар тарихи” (Париж, 1852), Х.Моранвиллининг “Темур ва сарой аҳли хотиралари” (Париж, 1894),

Р.Марганинг “Темур тарихи” (Париж, 1739). Э.Блошенинг “Темур кабртошидаги битиклар” (Париж, 1897), Де Круазиенинг “Темурийлар даврида Самарқанд ёдгорликлари” (Париж, 1891), Ж.Капюнинг “Темур салтанати бўйлаб” (Париж, 1892), Ужфалви – Бурдонинг “Париждан Самарқандга” (Париж, 1880), Э.Галлуанинг “Темур пойтахтига саёҳат” (Лиль, 1898), И.Морелнинг “Самарқанд ёдгорликлари”, (Лион, 1909), Х.Мозернинг “Марказий Осиё бўйлаб” (Париж, 1885), И.Блоннинг “Марказий Осиёга саёҳат чизгилари” (Париж, 1893), Л.Коуннинг “Осиё тарихига кириш” (Париж, 1896), Ж. де Риалнинг “Марказий Осиё ҳақида хотиралар” (Париж, 1875) кабилар киради.

I боб бўйича хулоса

- Мустақиллик йилларида соҳибқироннинг шахси, унинг фаоляти юртбошимиз И.А. Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида ўз аксини топди. Президентимиз ҳар бир асарида Соҳибқирон фаолиятининг янгидан-янги қирраларини очиб бериб, унинг юртимиз, элимиз олдидаги хизматига алоҳида эътибор қаратди.

- Юртбошимиз ташаббуси билан Соҳибқирон ҳайкалини яратиш ва таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш бўйича ҳукумат қарори чиқарилди, «Амир Темур» ордени таъсис этилди, Амир Темур халқаро жамғармаси ташкил этилди.

- Истиқлол йилларида янги илмий йўналиш - темуршунослик шаклланди ва тобора ривожланиб бормокда. Энди нафақат Соҳибқирон шахси, фаоляти, балки ҳаётининг хилма-хил қирраларини ёритувчи монографик тадқиқотлар, рисола, мақолалар чоп этилмокда.

- Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкаллари очилди. «Амир Темур» орденига сазовор бўлаётган шаҳарларимиз сони ортаёпти.

- “Темурийлар тарихи Давлат музейи” нинг ташкил этилиши, нафақат ўша давр тарихини ёритиб берувчи экспонатлар билан бойиди, балки музей ходимлари бевосита музейнинг ўзида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш имконига эга бўлдилар

- Европалик олимлар ўз тадқиқотларини бой тарихий Шарқ кулёзмаларига, аксарият ҳолларда, тури ва қимматбаҳо, шу жумладан ҳали бизга маълум бўлмаган архив ҳужжатлари, ашёвий-моддий далиллар ҳамда Европа ва Шарқда ёзилган асарлар ва манбаларга асосланган ҳолда олиб бордилар.

- Ушбу мавзунини ёритишдаги мафкуравий ақидалардан ҳоли илмий ва холисона ёндашиб, ҳар бир тарихий воқеалар ҳамда Амир Темур ва Темурийлар фаолиятига баҳо беришда турли манбаларни қиёслаб муайян хулосалар чиқариш Европа шарқшунослигининг фарқли жиҳатларидандир.

- Европа шарқшунослари Амир Темур ва у асос солган буюк сулола тарихини ёритишда фақат ҳарбий юришлар ва амалга оширилган ишлар солномасини тузиш билан чекланмасдан ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий муҳитини ҳамда Амир Темурга ва унинг авлодлариги хос соф инсоний фазилатларни, уларнинг давлат, жамият, дин ва илм-фанга бўлган муносабатларини ҳам атрофлича тадқиқ қилишга алоҳида эътибор бердилар.

- Европа шарқшуносларининг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихни ўрганиш миқёси кенг бўлиб, улар ўша давр бошқарув ва ҳарбий тизимини, маданияти, дини, фалсафаси ва илмий тафаккурини атрофлича ёритдилар.

- Ўтган 600 йилдан ортиқ вақт мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида 900 га яқин эканлиги диққатга сазовордир.

II БОБ. АМИР ТЕМУР ДАВРИНИНГ ШАРҚ МУАРРИХЛАРИ АСАРЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

II.1. Араб муаррихлари томонидан Амир Темури даврининг ўрганилиши

Ушбу тадқиқот соҳибқирон Амир Темурнинг шахси, у барпо қилган буюк давлат ҳақида ёзилган асарлар асосида буюк ҳукмдор тўғрисидаги тарихни янада тегна ёритишга ёрдам беради. Ёшларимизнинг Амир Темур ва у бошқарган давлат ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради ва бойитади, уларда улуг аجدодимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни янада оширади. Амир Темур даври тарихнавислиги шакллани, Темуршуносликдаги муҳим йўналишлардан бири саналади. Зеро, юртбошимиз эътироф этганларидек, бугунги кунда алоҳида илмий йўналиш – темуршунослик шаклланди.

«Бизнинг бугунги асосий вазифамиз, -деб ёзади И.Каримов, - шундан иборатки асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз... таржима қилишимиз халқимизга келгуси авлодимизга... бизнинг фахру, ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак»²².

Арабий манбаларда Амир Темурнинг шахси, унинг юришлари, айниқса араб мамлакатлари ва Туркия билан бўлган муносабатларига доир кўп қимматли маълумотлар келтирилиб, уларнинг деярли ҳаммаси ўша даврда яшаган муаррихлар, аксар ҳолларда бўлган воқеаларнинг шохидлари томонидан ёзилганлиги учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

1. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний номи билан машҳур ал-Ҳофиз Аҳмад ибн Али 1372 йилда Қоҳирада туғилган. У 21 йил давомида Мисрда бош қози лавозимини эгаллаган.

Унинг “Инба ал-ғумр би абно-ил-умр” (“Замон воқеалари ҳақида гўр кишиларга дастак”). Бу асарда муаллиф яшаган даври, яъни 1372 йилдан то вафотигача - 1449 йилгача бўлган воқеалар ҳикоя қилинади. Бинобарин Амир

²² Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996. Б. 5.

Темурга оид кўп хабарлар ҳам мавжуд. Тарихнавис бу асарини суриялик машҳур муаррих Ибн Касирнинг (1300-1372) “Ал-Бидоя ва-н-Ниҳоя” (“Бошланиш (бидоя) ва ниҳоя”) номли йирик асарининг давоми шаклида яратган. Уч жилддан иборат бу муҳим асар Қоҳира ва Дамашқда нашр этилган. Бундан ташқари, муаллиф мана шу даврга оид “Ад-Дурар ал-комина фи аъйон ал-миат ас-сомина” (“Саккиз юзинчи (ҳижрий) йил арбоблари ҳақида яширилган дурлар”) номли бошқа бир асарида Амир Темур ҳақида талай маълумотлар келтириб, жумладан бир ўринда: “Амир Темурга чиройли овоз ёқарди, у ўз қиссахонларига кечаю-кундуз муттасил равишда тарихий ва диний китобларни ўқитиб, кунт билан тингларди, башарти қиссахон бирор ўринда хатога йўл қўйса, у уни шу заҳотиёқ тузатарди. У бу асарларни асосан форс тилида ўқитиб эшитарди”, - деб ёзади. Мавриди келганда яна шуни айтиш керакки, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний ўз ижодий фаолиятида тарихий асарлар билан бирга диний-маърифий мазмунда ҳам кўплаб асарлар яратган, жумладан, унинг диёримиздан чиққан буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг “Саҳийҳ ал-Бухорий” номли пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг саҳийҳ (ишончли) ҳадисларини ўзида мужассам қилган машҳур асарига бағишлаб ёзган “Фатҳ ал-борий би-шарҳи Саҳийҳ ал-Бухорий” номли шарҳи улуғ ватандошимизнинг муборак асарларига бағишлаб ёзилган юзлаб шарҳлар ичида энг яхшиси ҳисобланади. 25 йил давомида (1414-1439 йилларда) битилган бу қимматли шарҳ ёзиб тугатилгач, унинг доврўғи бутун мусулмон оламига тарқалди. Кўплаб подшоҳу султонлар ушбу шарҳни ўз саройларидаги кутубхоналар учун харид қилиб келтирганлар. Ўша пайтда Мовароуннаҳр ва Хуросон салтанатида бўлган Шохруҳ Мирзо ҳам Қоҳирага ўз уламоларини жўнатиб, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний шарҳидан (ҳар нусхаси 300 динордан сотилган) бир неча нусхани ўз кутубхонаси учун келтирган.

2. Бадриддин Маҳмуд ал-Айний 1360 йилда Айнтобда (Сурия) туғилган бўлса-да, унинг бутун фаолияти Мисрда ўтган ва узоқ йиллар мухтасиб мансабида ишлаб, Қоҳирада яшаган ва 1451 йилда 91 ёшида вафот этган. Унинг “Иқд ал-жумон фи тарих аҳл аз-замон” (“Замон аҳли тарихида

марварид маржонлар”) номли тўрт йирик жилддан иборат асарида Амир Темур, шунингдек Миср султонларининг турк султони Боязид билан муносабатлари хусусида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Муаллифнинг “ал-Жавҳар ас-самийн фи сийар ал-мулук ва-с-салотийн” (“Подшоҳлар ва султонлар сийратлари ҳақида қимматбаҳо жавҳар”) номли асари ҳам ўша давр воқеаларига бағишланган²³.

3. Қомусий тарихнавис олим Тақийуддин Аҳмад ибн Али ал-Мақризий 1364 йилда Қоҳирада туғилган ва 1442 йилда вафот этган. Муаллифнинг “ас-Сулук ли-маърифат дувал ал-мулук” (“Улуғ подшоҳлар давлатларини билишда етук қўлланма”) деб аталадиган, XV аср тарихи учун муҳим аҳамиятга молик тўрт қисм - ўн икки жилддан иборат йирик асари Мисрда аюбийлар давридан (1169 йилдан) бошлаб то 1440 йилгача бўлган воқеаларни қамраб олган. Асарда Миср султонлари билан Амир Темур орасидаги муносабатлар, улар ўртасидаги элчилар борди-келдиси, мактублар алмашувлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Қоҳирада чоп этилган бу йирик асарнинг охирги - тўртинчи қисми, айниқса, Амир Темур асос солган буюк давлатнинг ҳорижий мамлакатлар билан алоқаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга моликдир. Ал-Мақризийнинг “ас-Сулук”дан бошқа ҳам қатор асарлари бор.

4. Тарихнавис Шиҳобуддин Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Али ал-Қалқашандий 1355 йилда Мисрда туғилган, 1418 йилда вафот этган. Муаллиф “Субҳ ал-аъша фи синоат ал-инша” (“Иншо санъатида кўзи ожизга дастак”) номли ўн тўрт жилддан иборат асарини 1389 йилда бошлаб 1412 йилда тугатган. Муаллиф Миср ҳокимлари девонида мунший лавозимида хизмат қилгани сабабли XIV аср охири - XV аср бошларида юз берган воқеалардан яхши хабардор бўлган. Шу боис асаридаги маълумотлар ўта аниқлиги билан ажралиб туради. Мана шу даврда Миср султонлари Султон Барқуқ ва ан-Носир Фараж билан Амир Темур ўртасидаги муносабатларга

²³ Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: “Шарқ”, 1997. Б.

жуда кенг ўрин берилган²⁴.

5. Амир Темур даврига оид қимматли маълумотлар келтирган Миср тарихчиси Жамолуддин Абу-л-Маҳосин Юсуф ибн Тағриберди (1411-1469) нинг отаси Султон Барқуқнинг Дамашқдаги ноибларидан бири бўлган. Бунга қўшимча Султон Барқуқ Ибн Тағрибердининг аммаси Ширинга уйланган бўлиб, у Миср Султони ан-Носир Фаражнинг онаси эди. Мана шу ҳолатларга кўра Ибн Тағриберди, гарчанд бўлиб ўтган воқеаларга бевосита замондош бўлмаса ҳам, лекин бошқа муаррихларга насиб бўлмаган кўп маълумотлар унга муяссар бўлган. Шу боисдан ҳам унинг ўн олти жилддан иборат “Ан-Нужум аз-Зоҳира фи мулки Миср ва-л-Қоҳира” (“Миср ва Қоҳира салтанати ҳақида порлоқ юлдузлар”) номли асарининг биз учун муҳим аҳамиятга эга маълумотлари ўн иккинчи жилдда келтирилган. 1963 йилда Қоҳирада чоп этилган бу асарда воқеалар асосан йилма-йил келтирилган бўлиб, кўп ҳолларда оригинал характерга эга. Масалан, 1394 йилда Миср ҳокими Султон Барқуқ Суриянинг маркази Дамашққа ташриф буюриб, Тўхтамишнинг Дашти Қипчоқдан келган элчилари ва турк Султони Боязиднинг элчилари билан мажлис куриб, Амир Темурга қарши биргалашиб курашиш учун иттифоқ тузганлигини таъкидлайди. Ибн Тағриберди ўз асарида келтирган яна бир хабар ҳам ўзига хос аҳамиятга моликдир. Гап шундаки, тарихчининг ёзишича, чамаси 1404 йили Амир Темур ҳазратлари Маккаи мукаррамага ҳаж ибодатини адо этишга боришни ихтиёр этган, чунончи унинг келиши ҳақидаги хабар Маккада тарқалган. Муқаддас шаҳар амири Турон мамлакатининг соҳибини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрган. Лекин қандайдир сабабларга кўра бу зиёрат амалга ошмай қолган. Шунингдек, асарда ўша даврда Миср жамиятида юз берган парокандалик, ички зиддиятлар, ҳокимият учун курашлар, Миср ҳокимларининг ношудлиги ҳақида ҳам муфассал баён қилинган.

6. Суриялик тарихчи Абу-л-Валийд Муҳаммад Ибн аш-Шихна (1348-1412) узоқ йиллар Ҳалабда Ҳанафия мазҳаби бўйича бош қози бўлиб хизмат

²⁴ Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: “Шарқ”, 1997. Б.

килган. Унинг қаламига мансуб “Равзат ал-манозир фи ахбар ал-авоил ва-лавохир” (“Аввал ва кейин (дунёдан) ўтганлар хабарларида гўзал манзаралар бўстони”) асари 1885 йилда Қоҳирада тарихчи Ибн ал-Асирнинг “ал-Комил” номли асари XI-XII жилдининг хошиясида нашр этилган. Ўз хизмат доираси тақозосига кўра барча воқеалардан воқиф бўлган тарихчи Ҳалабда Амир Темур билан учрашишга муяссар бўлади. Муаллиф ўз асарида Ҳалаб уламоларининг Соҳибқирон билан бўлган мулоқоти, улар ўртасида бўлиб ўтган илмий баҳс ва мунозараларнинг шоҳиди сифатида муфассал ҳикоя қилади²⁵.

7. Мисрлик тарихчи Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуллоқ ас-Саховий 1427 йилда Қоҳирада туғилган ва 1497 йилда Мадинаи Мунавварада вафот этган. Ас-Саховий том маънода қомусий тарихнавис, ҳадис ва адабиёт илмлари бўйича йирик олим бўлган. У ўз ижодий фаолияти даврида икки юзга яқин асарлар яратган бўлиб, шулардан муҳимларидан бири “Аз-Завъ ал-ломиъ фи аъйон ал-қарн ат-тосиъ” (“Тўққизинчи (ҳижрий) аср арбоблари ҳақида ёрқин нур”) номли биографик китоби алоҳида аҳамиятга эгадир. Асар икки марта – 1934 ва 1936 йилларда Қоҳирада ўн икки жилдда нашр этилган. Бу асарда Темур ва темурийлар, улар даврида фаолият кўрсатган кўп арбоблар ҳақида биографик тарздаги қимматли маълумотлар келтирилган.

8. Мисрлик олим Жалолуддин Абдурраҳмон Ибн Абу Бакр ас-Суйутий (1445-1505) илм-фаннинг турли, айниқса, тафсир, ҳадис, фикҳ, адабиёт ва тарих соҳаларида сермахсул фаолият кўрсатиб, олти юзга яқин асарлар яратган. Унинг биз учун муҳим асари “Хусн ал-муҳодара фи ахбори Миср ва-л-Қоҳира” (“Миср ва Қоҳира хабарлари хусусида гўзал маъруза”) деб аталади. Мана шу мавзуда яратилган ўттизга яқин хилма-хил асарларга таяниб ёзилган бу асарда XIV аср охири ва XV асрдаги Миср давлати тарихига, жумладан Миср султонлари билан Амир Темур ўртасидаги бўлган воқеалар ҳақида ҳам талай маълумотлар келтирилган.

9. Мисрлик тарихчи Саримуддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Дўқмоқ

²⁵ Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: “Шарқ”, 1997. Б.

(1349-1406) султон Барқуқнинг яқин аёнларидан бўлиб, унинг фармониغا кўра Миср ҳокимларининг тарихига бағишлаб бир асар битган эди. Ушбу асар “Ал-Жавҳар ас-самийн фи сийар ал-мулук ва-с-салотийн” (“Подшоҳлар ва султонлар сийратлари ҳақида қимматбаҳо жавҳар”) номи билан аталиб, у 1402 йилгача бўлган воқеаларни қамраб олган. Асарда Миср султони аз-Зоҳир Барқуқ ва унинг ўғли ан-Носир Фараж давридаги воқеаларга, уларнинг Амир Темур билан муносабатларига ҳам кенг ўрин берилган. Бу асарнинг қимматбаҳо бир қўлёзма нусхаси Қоҳирада сақланади²⁶.

10. Миср тарихчиси Носируддин Муҳаммад ибн Абдурраҳим Ибн ал-Фуротнинг (1336-1404) қаламига мансуб асар “Тарих ад-дувал ва-л-мулк” (“Давлатлар ва подшоҳлар тарихи”) деб аталган бўлса-да, у қисқача “Тарих Ибн ал-Фурот” номи билан машҳур. Бир неча жилддан иборат бўлган бу муҳим асарнинг еттинчи, саккизинчи, айниқса тўққизинчи жилдлари биз учун жуда қимматлидир. Чунончи, бу қисмда Соҳибқироннинг Дамашқда бўлган пайти ва ўша даврга оид воқеалар жуда муфассал ҳолда баён қилинади. Ибн ал-Фуротнинг бу асари 1936-1942 йилларда Байрутда нашр этилган. Қоҳирада эса асарнинг ажойиб қўлёзмаси сақланади.

11. Миср тарихчиси Ибн Ийоснинг (1448-1524) тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ийос ал-Ҳанафий бўлиб, унинг авлодлари бевосита Миср Султони аз-Зоҳир Барқуққа бориб боғланади ва у Миср султонлари саройида юқори лавозимларни эгаллаган. Ибн Ийоснинг қаламига мансуб “Бадоиъ аз-зухур фи вақоиъ ад-дужур” (“Асрлар воқеалари ҳақида ноёб чечаклар”) ўн икки жилддан иборат бу йирик асарда Миср тарихи қадим замондан бошлаб, то 1522 йилгача муфассал ҳикоя қилинган. Асарда Амир Темур билан Миср давлати ўртасидаги муносабатлар ҳам ўз аксини топган. Ибн Ийоснинг бу асари бир неча марта чоп этилган бўлиб, улардан 1893 йилги Қоҳира нашри энг яхшиси ҳисобланади²⁷.

12. Мағриблик машҳур муаррих ва файласуф Абу Зайд Абдурраҳмон

²⁶ Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: “Шарқ”, 1997. Б.

²⁷ Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: “Шарқ”, 1997. Б.

ибн Муҳаммад ибн Халдун 1332 йилда Тунисда туғилиб, 1406 йилда Қоҳирада вафот этган. Ёшлигидан илм-маърифатга меҳр қўйган Ибн Халдуннинг аксар умри тинимсиз сафарларда ўтди. У Ғарбу Шарқнинг кўп мамлакатларида бўлди, ниҳоят 1382 йилда Мисрга келиб, султон аз-Зохир Барқукнинг саройига хизматга кирди. Султон Барқук вафотидан кейин ёш султон Фараж хизматида бўлди. Шу орада у бир неча марта Маккаи Мукаррамага бориб, ҳаж ибодатини адо этди. Қоҳирадаги машҳур ал-Азҳар дорилфунунида мударрислик қилди. Узоқ йиллар Мисрда моликия мазҳаби бўйича бош қозилик лавозимини эгаллаб турди. У 1401 йили Миср султони ан-Носир Фараж билан Дамашққа келиб, Амир Темур ҳазратлари билан мулоқотда бўлди. Бир гуруҳ шомлик уламолар билан бирга икки давлат ўртасида сулҳ тузиш тўғрисидаги музокараларда қатнашди. Ибн Халдун тарих илмидаги чуқур билими ва даҳоси туфайли Соҳибқироннинг алоҳида ҳурматига сазовор бўлиб, улар ўртасида бўлиб ўтган мароқли ва самимий суҳбатлар тафсилоти тарих китобларида кенг қўламда ҳикоя қилинади. Ибн Халдуннинг қаламига мансуб, қисқача “Китоб ал-Ибар” (“Ибратлар китоби”) деб аталадиган, унинг тарих фани соҳасидаги етти жилддан иборат йирик асари, айниқса ушбу асарнинг “ал-Муқаддима” номи билан машҳур бўлган биринчи қисми алоҳида аҳамиятга моликдир. “Ат-Таърийф би-ибн Халдун ва рихлатуху Ғарбан ва Шарқан” (“Ибн Халдун билан танишиш ва унинг Ғарбу Шарққа саёҳати”) номли биографик асарида муаллиф биз учун ғоят қимматли маълумотлар келтиради, айниқса, аллома ўзининг Амир Темур билан учрашуви хусусида жонли тарзда ҳикоя қилади. Бу асар 1951 йилда Қоҳирада нашр этилган. Ушбу асардан сараланган маълумотлар кенг қўламли илмий изоҳлар билан Вальтер Фишел томонидан инглиз тилига ўгирилиб, “Ибн Халдун ва Темур” номи билан 1952 йилда Калифорнияда чоп этилган. Мана шу рисола кейинчалик (йили кўрсатилмаган) олим Муҳаммад Тавфийқ томонидан араб тилига ҳам таржима қилиниб, Байрутдаги “Дор ал-ҳаёт” матбаасида нашр этилди.

13. XV асрнинг биринчи ярмида ижод қилиб, Ибн Қозий Шухба номи

билан машхур бўлган суриялик тарихчининг тўлиқ исми Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Асалийдир (1448 йилда вафот этган). Унинг қаламига мансуб асар “Тарих ибн Қозий Шухба” деб аталади²⁸.

Асарнинг 1379-1407 йилларда Миср ва Шомда бўлиб ўтган воқеаларни камраган йирик бир қисми 1977 йилда Дамашқда олим Аднон Дарвиш томонидан илмий тадқиқотлари билан нашр этилган. Айни шу қисмида Амир Темурнинг Шомда бўлган вақтида содир бўлган воқеалар баён қилинган. Ибн Қозий Шухба асарининг етти жилддан иборат тўлиқ қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги Дор ал-Қутубда сақланади (тарих 392 рақами остида).

14. XIV аср охирида яшаган Миср тарихчиси Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Сусарийнинг “Ад-Дурра ал-Музиййа фи-д-давлат аз-Зоҳирия” (“Аз-Зоҳир (Барқук) давлати ҳақида ялтираган дур”) номли тарихий асари султон аз-Зоҳир Барқук давридаги воқеаларга бағишланган. Асарнинг 1963 йилда Калифорнияда Вильям Берниз томонидан тадқиқ этилиб, нашр қилинган қисмида 1389-1397 йиллар воқеалари ҳикоя қилинади. Муаллиф Бағдодда Амир Темур билан юзлашишдан кўрқиб, Дамашққа қочиб келган Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс ва унинг беш юзга яқин одамларини намоз ўқимай, наша чекиб, шаҳарда тартибсизлик қилиб, одамларнинг ғашига текканликлари каби кўплаб маълумотларни келтиради.

15. Миср тарихчиси Нуриддин Али ибн Довуд ас-Сайрафий ўз замондошлари ўртасида Ибн ас-Сайрафий номи билан машхур бўлиб, у 1416 йилда Қоҳирада туғилган ва 1495 йилда вафот этган. У Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ас-Саховий каби машхур тарихчилардан сабоқ олган, китобат ишлари билан шуғулланган. Унинг “Нузҳат ан-нуфус ва-л-абдон фи таворийх аз-замон” (“Замон солномалари ҳақида жону-танлар роҳати”) номли асари Миср султони аз-Зоҳир Барқукнинг салтанатга келиши - 1382 йилдан бошланиб, 1446 йил воқеалари билан тугайди. Асар олим Ҳасан Ҳабаший томонидан таҳқийқ қилиниб, 1969 йилда Қоҳирада уч қисмда нашр этилган. Ибн ас-Сайрафий ўз асарида Амир Темур қўшинлари билан жанг қилиш учун

²⁸ Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: “Шарқ”, 1997. Б.

Қоҳирадан кўп лашкар билан махсус келган Миср султони ан-Носир Фараж ҳақида талай маълумотлар ва Дамашққа келгач, султон Соҳибқирон билан юзма-юз бўлмасдан яширинча Қоҳирага қайтиши, у Дамашқда қолдириб кетган от-уловлар, мол-мулклар, шунингдек Миср амирлари ўртасида содир бўлган парокандаликлар ҳақида муфасссал маълумотлар келтиради.

16. Тарихчи Халил ибн Шоҳийн аз-Зоҳирӣ 1372 йилда ал-Қуддусда туғилган бўлиб, 1468 йилда Тароблусда вафот этган. Ўз фаолияти даврида турли-туман юксак лавозимларга сазовор бўлган. Унинг қаламига мансуб “Зубдат кашф ал-мамолик ва баён ат-туруқ вал-масолик” (“Йўл ва йўналишлар баёни орқали вилоятлар қайдининг қаймоғи”) асари икки жилддан, ўн икки катта бўлимдан иборат.

Асарда Миср мамлуклар султонатининг Амир Темур давлати билан бўлган муносабатлари ҳақида, талай ҳолларда маъмурий-идоравий тусдаги маълумотлар, ўша даврда Қоҳира ва Дамашқда фаолият кўрсатган йирик кутубхоналар, улардаги ноёб қўлёзмалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

XV асрда яшаган арман тарихчиси Фома Мецопесининг асари Амир Темурга ашаддий душман ўрдуга мансуб манбалар қаторига киради. Аммо ундан ҳам баъзи бир эътиборга лойиқ маълумотлар топса бўлади.

Амир Темур ва унинг соҳиби тож фарзандлари тарихи яна бир йирик тарихшунос олим - Муҳаммад Ибн Ховандшоҳ ибн Муҳаммад (у кўпинча Мирхонд номи билан машҳур) тарафидан ёзилган.

Мирхонднинг бу асари «Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») номи билан машҳур бўлиб, етти жилддан иборат. Асарнинг еттинчи жилди (то 1467 йилгача бўлган воқеалар), муаллифнинг бетоблиги ва замоннинг носозлиги туфайли, ниҳоясига етмай қолиб кетган. Ўзига хос жуғрофий қўшимча бўлган асар хотимаси ва ёзилмасдан қолган қисмлар олимнинг набираси Хондамир тарафидан охирига етказилган. Алишер Навоийнинг топшириғи билан ёзилган бу асар умумий тарих

тарзидаги асардир. У дунёнинг «яратилиши»дан то 1523 йилга қадар Мовароуннаҳр, Эрон ва Мусулмон Шарқидаги бошқа мамлакатларда кечган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Асарнинг I-V жилдлари термадир, сўнгги икки жилди, аниқроғи VI жилди XV асрнинг иккинчи ярми тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Унда Амир Темур ва Темурийлар тарихи Султон Бойқаро ва унинг авлоди замониғача, яъни 1523 йилгача баён этилган.

Амир Темур тарихи эронлик тарихчи олим Мўъиниддин Натанзийнинг шарқшунослар орасида «Мунтахаб ут-таворихи Мўъиний» («Мўъинийнинг сайланма тарихи») номи билан машҳур бўлган асарида ҳам қисқа тарзда баён этилган. Асар 1413 йили Шерозда Темурий Искандар Мирзо саройида ёзилган.

«Мунтахаб ут-таворихи Мўъиний»нинг иккита таҳрири мавжуд: бири юқорида номи зикр этилган Искандар Мирзога бағишланган, иккинчиси Шохрухга тақдим этилган нусха, Искандар Мирза Шохрух томонидан тормор қилинганидан кейин (1414 йил 20 июл) таҳрирдан чиқарилган. Унда Искандар Мирзо ҳақидаги ҳикоятлар бир мунча қисқартирилган, унинг шаънига айтилган ҳамду санолар олиб ташланган.

Асарда энг қадимги даврлардан то Амир Темур вафотигача (1405 йил 18 феврал) бир қатор ўлкаларда юз берган муҳим тарихий воқеалар қисқача баён қилинган. Кўп ҳолларда муаллиф ҳар бир сулола тарихига алоҳида боб бағишлаган.

Асарнинг сўнгги қисмлари Марказий Осиё тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Асарда Амир Темур яшаган ва ҳукмронлик қилган даврда юз берган тарихий воқеалар бир мунча муфассал баён қилинган. Ушбу давр тарихини муаллиф асосан ўзи тўплаган материаллар асосида ёзган.

Амир Темур замонасидаги воқеа-ҳодисалар Натанзийга яхши маълум бўлган, шунингдек, у сарой солномаларидан фойдаланиш, машҳур тарихий воқеаларнинг ҳали ҳаёт бўлган иштирокчиларидан ўзига керакли маълумотларни сўраб-суриштириб билиб олиш имкониятига эга бўлган.

Баъзи ўринларда муаллиф шоҳидлардан эшитиб ёзганига ишора этади. «Мунтахаб ут-таворих»даги айрим хронологик чалкашликлар, назаримизда, Натанзий оғзаки маълумотлардан кўп фойдалангани натижасидир. Асарда Амир Темурнинг ватанпарвар лашкарбоши ва тadbиркор давлат арбоби сифатида камол топиб бориши ёрқин акс эттирилган. Муаллиф мамлакатдаги тарқoқликни тугатишда ва муғул хонларининг Мовароуннаҳрга бoсқинчилик тажовузларига чек қўйишда Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолияти бoят катта роль ўйнаганини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, буюк давлат арбоби, илм-фан ва маданиятнинг йирик ҳомийси, мохир саркарда ва лашкарбоши Амир Темур ҳазратларининг ёрқин ҳаёти ва жўшқин фаолияти XV аср араб муаррихларининг назаридан четда қолмай, улар асарларида ҳам муносиб тарзда ифодасини топган.

2.2. Шарқнинг бошқа мамлакатларида муаррихлари томонидан Амир Темур салтанатининг ёритилиши

Гарбий Европа халқлари адабиётларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ниҳоятда кўп, бироқ Соҳибқирон ҳақидаги илк асарлар эсдаликлар тарзида ёзилган бўлиб, улар Амир Темур замондошлари қаламига мансубдир. Шулардан бири Амир Темурни кўрган, у билан бевосита мулоқотда бўлган, ҳатто соҳибқирон ўз давлати номидан Франция қироли билан алоқа боғлашни ишониб топширган монах Иоанн Гринло Султониядир (Жан (Иоанн)). У Соҳибқироннинг ишончини қозонади ва унинг мактубини француз қироли Карл VI га топширади. У Парижда туриб “Темур ва унинг саройига оид хотиралар” (*Memoires sur Tamerlan et sa cour*) деган асар ёзади. Уни Монравилл деган олим кириш сўзи ёзиб нашр эттиради. Асарнинг номини ношир қўйган деб қайд қилади Х.Исматуллаев. Асар 23 бобдан иборат, ҳар бир боб кичик – кичик бўлса-да, номланган. Унинг латин тилидаги нусхаси Рим папаси учун, француз тилидагиси Франция қироли учун ёзилган бўлса керак.

Анқара жангидан сўнг Франция ва Англия ёзишмалар орқали Амир Темур билан дипломатик муносабат ўрнатди. Француз қироли Карл VI билан Амир Темур ўртасидаги ёзишмаларнинг бир қисми Франция ҳужжатхонасида сақланган²⁹.

Улардан англашилишича, Амир Темур Франция қиролининг таклифларини рад этмаган ва Карл VI нинг Шарққа нисбатан сиёсатини қўллаган. Амир Темурнинг форсча ёзилган ва 1402 йил 1 август санаси қўйилган мактуби аслида Анқара жангидан (1402 йил 20 июл) аввал ёзилган бўлиб, унга сана кейин қўйилганлиги аниқланди. Мактубда Амир Темур ўз давлати билан Франция ўртасида савдо алоқаларини ўрнатиш истагини билдирган.

²⁹ Амир Темур жаҳон тарихида... Б. 128.

Амир Темурнинг бизгача сақланиб қолган лотинча таржимадаги иккинчи мактуби ҳам 1402 йил 1 август билан саналанган. Иккала мактубни ҳам Султониянинг католик архиепископи Иоанн III Францияга олиб борган.

Архиепископ Иоанн бошчилигидаги элчиларнинг 1403 йил июнида Парижга ташриф буюрганликлари ҳақидаги хабар “Франклар қилмишларининг даврий битиги” да келтирилган. Элчи Парижга келиши билан ташрифнинг асосий мақсадларини тантанали равишда баён қилди:

1) Амир Темурнинг турк султони устидан ғалабаси ва турк султонининг асир қилинганлиги ҳақида, Боязид томонидан асир олинган насронийларнинг озод этилганлиги ва агар яна бошқа насроний асирлар бўлса, Амир Темурнинг уларни ҳам озод этиш майли борлигини маълум қилиш;

2) Франция салтанати буюклигининг шоҳиди бўлиш истагини ва Амир Темур салтанати ҳашаматини билдириш.

Шундан сўнг элчи Амир Темур насроний давлатларни қизиқтирувчи қуйидаги икки таклифни киритишини айтди:

- икки давлат савдогарларининг эркин савдо муносабатларини таъминлаш;

- агар қирол герцоглар рози бўлишса, бу савдо эркинлигини тегишли битим орқали кучга киритиш.

Карл VI нинг Амир Темур номига 1403 йил 15 июлда йўллаган биргина мактуби сақланган. Мактуб: “Карл, худонинг марҳамати билан французларнинг қироли, энг шавкатли ва энг ғолиб ҳазрат подшоҳ Темурбекка салом ва тинчлик бўлсин” сўзлари билан бошланади. Сўнгра мактубда Франция билан Амир Темур давлати ўртасида савдо алоқалари ўрнатиш масаласига катта ўрин берилган. Карл VI мактубидан унинг фуқаролари Амир Темур мулкига бемалол бора олганликлари англашилади.

Амир Темур билан Карл VI ўртасидаги ёзишмадан маълум бўлишича, иккала подшоҳ ҳам савдо битими тузишдан манфаатдор. Бироқ 1405 йил

февралада Амир Темур вафот этиши бу ишни поёнига етказиш имконини бермади.

Амир Темур ва Мироншоҳ Англия билан ҳам дипломатик ёзишмалар олиб боришган. Англия қироли Генрих IV (1399-1413) нинг лотинча ёзилган ва Мироншоҳ билан Амир Темурга йўлланган икки мактуби сақланган. Бир тарафдан, Амир Темур ва Мироншоҳ билан, иккинчи тарафдан, Англия қироли ўртасида яна ўша эслатилган Султония архиепископи Иоанн воситачи бўлган. Архиепископ Иоаннинг дипломатик ташрифи 1399 йил (Генрих IV тахтга ўтирган йил) билан 1404 йил орасидаги даврни ўз ичига олади³⁰.

Генрих IV дан келган мактубда Мирзо Мироншоҳ “Мирасса Амирасса” деб аталган. Қирол Мироншоҳнинг католикларга бўлган дўстона ва хайрихоҳлик муносабатлари ва “айниқса диний арбобларга ва франко-католикларга лутфи карам бахш этиб, насроний савдогарларнинг шахсий ва фаолият хавфсизлигини таъминлаганлиги ва баробарига савдо ғаразига хайрихоҳлиги” учун миннатдорчилик изҳор этади.

Мактубда, “буюк подшоҳ католик динининг ҳомийси... бундан кейин ҳам бу қадар тавфиқли ва саодатли ниятлардан воз кечмаслигига” умид билдирилади, ҳамонки “жаноби олийлари ўз хоҳишлари билан ... худонинг шукри учун давлат ишларига тааллуқли баъзи масалалар хусусида ва шу вақтдан бошлаб сулҳ борасида биз билан дўстона битим тузишга ирода этибдилар, жаноби олийлари билишни лозим топсинларким, биз ана шу битимга бизнинг номимиздан мазкур архиепископ имзо чекишини астойдил истаймиз”. Англия қироли архиепископ Иоаннга тўла ишонишини билдиради: у инглизларнинг ишларидан яхши хабардор бўлган³¹.

Мактуб бундай якунланади: “Бизнинг илтимосимизга кўра ҳам, унинг олий мартабасига кўра ҳам (архиепископининг) сўзларига тўла ишонишини сўраймиз, шунингдек унга бўйсунганларнинг ҳаммасини ва

³⁰ Амир Темур жаҳон тарихида... Б. 127-128.

³¹ Умняков И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV в. – М., 1960. Стр. 7.

махсус бириктирилган яна неча шахсни ҳам қабул қилишингизни сўраймиз, бизга ҳаммасини аниқ тавсиф этингки, биз ҳам ўз тарафимиздан жанобларининг истакларини бажо келтиргаймиз”³².

Мактуб Лондон шимолидаги Хортфордда феврал ойида, аниқланишича, 1402 йилда (мактубда йил кўрсатилмаган) ёзилган.

Генрих IV нинг Амир Темурга мактуби Соҳибқироннинг ҳозиргача сақланган мактубига жавобан ёзилган. У шундай бошланади: “Генрих, худонинг марҳамати билан Англия ва Франция қироли, шунингдек Ирландия ҳокими, буюк ва қудратли подшоҳ Темурбекка, Тангрини севувчи дўстга, ҳаммасининг халоскорига салом ва тинчлик бўлсин”.

Архиепископ Жан Франция қироли Карл VI топшириғига биноан ўзининг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»ини ёзади. Асар 23 қисм (боб) дан иборат. Унда Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахтига чиққан пайтдан 1402 йил август ойигача бўлиб ўтган асосий воқеа ва ҳодисалар тилга олинади.

“Хотиралар” билан илк бора танишган кишида у афсоналар ва ҳақиқат омуктасидан иборат асар, деган таассурот туғилиши табиий. Ҳақиқатан ҳам муаллиф Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бизга маълум ва номаълум афсона-ривоятлардан кенг фойдаланган. Масалан, Амир Темурнинг амир Ҳусайн элчилари олдида ишлатган ҳийласи (I боб) ва Соҳибқирон билан Эдигни (Идику) ўртасидаги муносабат (XVII боб) ҳақидаги ҳикоятлар шулар жумласидандир. Бироқ, “Хотиралар” да бошқа манбаларда мавжуд аниқ тарихий маълумотлар ҳам кўп.

Асарнинг II боби Амр Темур исмининг талқини хусусида бўлиб, архиепископ Жан қуйидагича изоҳлайди: “Бу императорнинг исми Темурбей эди; бу исм қуйидагича талқин қилинади ва изоҳланади: Темурбей атоқли отдир ва “темир” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “фер” (французча “темир”) маъносини билдиради ва “бей” сўзи “ҳукмдор” маъносига тенг бўлиб, “темир ҳукмдор” деган маънони англатади. Бошқалар уни “Тамурлан” деб аташади,

³² Ўша асар. Стр. 9.

бу сўз ҳам “темир” дан келиб чиққан бўлиб, французчасига “Темур оқсоқ” деган маънони билдиради. “Оқсоқ” унинг лақаби эди.

Бу татарча ва форсча талқинлардир. Эронда уни “миритабам”, яъни “хукмдор” деб ҳам, “калон”, яъни “буюк хукмдор” деб ҳам аташади”³³.

III. Темурбейнинг унвони хусусида

«Темур Геракан сосмус» («Темур Кўрагон сўзимиз») ибораси Темур «императорнинг ўғли» ёки «куёви» деган маънони билдиради ва «сосмус» - «бизнинг қатъий сўзимиз» деганидир. У ўзини на қирол, на император ва на бошқа ном билан атайди; қачон сўзласа ва амр этса, император номидан сўзлайди ва амр этади, унга ҳурмат кўрсатиб, йилига бир марта уни бориб кўради; бу ҳурматдан сўнг у ўша император ҳақида гапириб, унга ўз саройида иззат кўрсатаётганини айтади. Бироқ, Темурбей барча ишни императорнинг муҳрисиз амалга оширади.

IV. Унинг ирқи хусусида

У келиб чиқиши бўйича шарқлик барлослардан бўлиб, уларнинг миллати ёкате (чиғатой) деб аталади. Баъзилар фикрича, шу томонларда бизнинг Иисус Христосга тенг келадиган уч қирол ўтган экан. Бу ўлкага Ҳиндистон томонидаги Персиядан кейин келадиган Корасан (Хуросон) вилояти, Медиа (Озарбойжон) вилояти ва бошқа вилоятлар киради. Бу ўлка таркибига кирувчи яна бир шаҳар, бу - Темурбейнинг шаҳри Семерканддан жуда йироқда, юз кунлик масофада, Жиён дарёсидан нарида – Персияда жойлашган Сузис (Суза) шаҳридир.

V. Ўғилларининг насл-насаби ва исмлари хусусида

Темурбейнинг кўп ўғиллари бўлган ва ҳозир улардан атиги икkitаси ҳаёт, уларнинг каттасини Миранза(Мироншоҳ) деб аташади ва унинг ёши қирқ ёки ундан бир оз катта; энг кичиги Сонхарни(Шоҳрух) деб аталади ва унинг ёши йигирма икки атрофида. Биринчисининг исми қуйидагича талқин қилинади: мир – жаноб ва за — қирол, яъни «жаноби қирол». Иккинчисининг

³³ Жан (Иоанн). Амир Темур ва унинг саройи. // Г. “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati”. 2005 yil 20-son.

исми француз тилида «киролнинг юзи» маъносида. Тўнғич ўғил барваста, хушмуомала, ҳурфикр ва отасининг саройида ҳамма уни ҳурмат қилади. У насронийлар ва франкларни, яъни барча лотинларни (овруполикларни) жуда яхши кўради; у бамисоли иккинчи Александр (Македонялик Александр). Унинг тўрт хотини ва тўрт ўғли бор: хотинларининг энг суюқлиси император авлодидан ва Конзада (Хонзода) деб аталади. Ўғилларининг лашкарлари катта, яъни 20-30 минг кишидан иборат ва саройлари ҳам катта. Айниқса, Абасимеза (Мирзо Абубакр) исмли тўнғич ўғлининг лашкари жуда катта; бу исм «Худонинг марҳамати ила туғилган», деб талқин қилинади. Бу ўғил курул ишлатишга жуда моҳир. Тўрт ўғилнинг яна бирининг исми Омариза (Умар Мирзо) бўлиб, у Темурбейнинг лейтенанти: унинг саройида мулозимлар кўп, кўл остида катта ўлка бор.

VI. Жиянлари ва набираларининг сони хусусида

Темурбейнинг олтмиш-этмиш чоғли ёхуд ундан зиёд жияну набиралари бор. Уларнинг энг биринчиси катта акасининг ўғли бўлиб, она томонидан император авлодидан ва катта амлокка эга; иккинчисининг кўп ўлкаларда ўзига маслакдош ва содиқ вассаллари бор; унинг исми Мамузатаин(Мирзо Султон Ҳусайн)дир.

VII. Темурбейнинг хотинлари хусусида

Темурбейнинг тўрт қонуний хотини ва кўплаб канизаклари бор. Катта хотини император оиласидан бўлиб, Карон (Сароймулкхоним) деб аталади ва доим аёллар доирасида фароғат топади; эркакларни асло ёқтирмайди. У соғлиги ёмонлиги туфайли ҳар куни даволаниш учун минг дукат (тилла) сарфлайди, доимо хотинлар қуршовида юради.

VIII. Темурбей ҳукмронлигининг бошланиши

Ёшлигида у ҳам ўз тенгқурларига ўхшаш йигит эди, аммо ақл-заковати, зукколиги билан ажралиб турарди ва доимо мард йигитлар қуршовида юрарди. У доимо худони олқишлаб юради ва нима қилса барисини худо учун, унинг хоҳиши билан қилади; ўзининг айтишича, у бир бечора аёлнинг ўғли, кучсиз ва камбағал йигит бўлган, у нимага эришган бўлса, худонинг

марҳамати ила эришган, вақти келиб буларнинг ҳаммасини худога қайтаради. Яна унинг айтишича, барча рўй берадиган нарсани худо унга олдиндан башорат қилади.

IX. Темурбей ҳукмронлигидаги вилоятлар ва ўлкалар хусусида

Темурбей қўл остидаги Ҳиндистондан Туркиягача бўлган ҳудудни бир одам пиёда нақ бир йилда, отда эса тўққиз ойда босиб ўтади. Унинг салтанати таркибига, жумладан, қуйидаги ўлкалар киради: Дилли — йирик шаҳар; Сименана — вилоят; Маластан (Бадахшон) — вилоят; қимматбаҳо тошлар ўлкаси; Феринус (Кимехредган) ҳинд зираворлари шу ердан келади ва Сиён (Сайхун) дарёси орқали бошқа ўлкаларга олиб ўтилади; Органун, бу вилоят Персияда Корасмо (Хоразм) деб аталади; Чин-Мочин (Хитой) — шифобахш ўсимликлар ўсадиган вилоятлар, у ерларда ясалган чиройли буюмларни Генуяга олиб кетишади, яхши сақланади, айтишларича, бир буюмни қирқ йилда ясашар экан; Бокара (Бухоро) — аъло сифатли олтини билан машҳур вилоят; Коросан (Хуросон) — ўттизта шаҳарли вилоят; Медиа (Озарбойжон) — жуда катта вилоят; Спахан (Исфаҳон) — вилоят; Сирас (Шероз) — вилоят; Шилан (Ғилон) — шаҳар ва вилоят, Каспий ёхуд Бачин денгизи яқинида; Аран — жуда катта вилоят; Порт Ферре — жуда катта вилоят ва Александр денгизни Кавкази деб аталган тоққача қазиб олиб борган шаҳар, бу тоғда турфа тилли халқлар яшайди; Жоржия (Грузия) — қироллик ва жуда катта вилоят; Буюк Армения, у ерда Нух пайғамбарнинг ёйи жойлашган тоғ бор; Курдистон — жуда катта вилоят; Калдея (Ироқи Араб) — вилоят; Астрия (Ассирия) — вилоят; Рум — вилоят; Туркия — вилоят.

X. Темурбейнинг маҳорати ва қудрати хусусида

Қисқача айтганда, Темурбей жангтоҳларда барчани, жумладан, кўплаб қироллар ва шахзодаларни енгди, на бирор шаҳар ва на бирор истехком унга дош бера олган; у сон-саноксиз шаҳарлару қўрғонларни забт этди, ҳисобсиз халқларни ўзига тобе қилди; саноксиз муҳорабаларда зафар қозонди ва мана

ҳозир ҳам у Буюк Туркни (Боязид Йилдирымни) маҳв этди — Туркия уники бўлди, кўплаб қироллар ва шахзодалар, катта ҳокимлар унинг тарафида.

XI. Темурбейнинг буюклиги ва лашкарларининг сони хусусида

Бу хусусда ҳар хил гаплар юради, бироқ унинг лашкарлари сони қанчалигини ҳеч ким аниқ билмайди: айримларнинг айтишича, унинг кўшини ўн юз минг (миллион) аскардан ва камида саккиз юз минг отдан иборат; туялар ва бошқа жониворларнинг эса асло ҳисоби йўқ.

XII. Темурбейнинг бойликлари хусусида

Унинг бойликларининг сон-санови ва миқдорини ҳеч ким билмайди... Қимматбаҳо нарсаларга келганда эса, айтишадики,— мен бунга ишонаман,— бирорта ҳам ҳукмдор, у қанчалар буюк ва қудратли бўлмасин, у қадар кўп бойлик тўплай олмаган. Яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ерости бойликларини ҳам қидириб топдириб, уларга эга бўлди; айтишларича, ўтган йили (1401 йил) у оғирлиги юз ўн етти се (се — тахминан бир мисқол) келадиган бир жавоҳир топганки, олти се бир унсияга тенгдир.

XIII. Темурбейнинг очиққўнгиллилиги ва шафқатсизлиги хусусида

У шароб ичганида меҳрибон ва очиққўнгил бўлиб қолади; бироқ бундай ҳолат жуда кам бўлади, яъни у жуда кам шароб ичади. Алқисса, у ғазаб отига минмаган пайтларида адолат юритади: адолатининг шиори учун ўз тамғасига форс тилида «адолат» сўзини икки марта («Рости — русти») ёздирган. У ўз дўстлари ва элчиларга, айниқса, узоқ ўлкалардан келган элчиларга етарлича очиққўнгиллилик қилади; бошқаларга нисбатан, яъни ўзига қарши бирор иш қилган ёки амрига қарши борганларга нисбатан у ўта шафқатсиз; уни айбдорларнинг на туриш-турмуши, на насл-насаби ва на дини-иймони қизиқтиради.

XIV. Темурбейнинг ҳаёти ва унинг халқи хусусида

Темурбейнинг турмуш тарзи ва халқи ҳақида шундай дейиш мумкин: у ҳар доим очиқ далада ҳарир шоҳи чодир остида умр ўтказади; зеро, унинг халқи шунчалик кўпки, уларнинг барчаси шаҳарда яшай олмайди. Бироқ уларга зарур барча нарсалар худди шаҳарлардагидек бу ерга олиб келинади,

сотилади ва харид қилинади; бу ерга узоқ ўлкалардан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келувчи савдогарлар жуда кўп, бу ерда паррандалар, бошқа турфа хил маҳсулотлар ва ҳатто қуллар ҳам сотилади. Темурбейнинг одамлари жуда қимматбаҳо нафис шоҳи матолар ва ҳарир жун матолардан кийим киядилар. Улуғлари эса, Константинопол императори каби бош кийим киядилар, мартабалари қанчалар баланд бўлса-да, бош кийимларига қимматбаҳо тошлар қадамайдилар ва айримлари туркларга ўхшаб думалок кокилез киядилар.

Темурбейнинг фуқаролари саранжом-саришта одамлар, улар ерда – стол ва курсисиз овқатланишади. Бу ерларда гўшт ва гуруч сероб, улар мутлақо нон ейишмайди, улар нонни ёқтиришмайди, бироқ ажнабийлар тўйгунларича нон ейишлари мумкин, зеро, ҳар қадамда нон мўл.

Унинг саройида шароб ичиш таъқиқланган, насронийлар эса, ичишлари мумкин, у ҳам бўлса, фақат кечки овқат олдидан, овқатдан сўнг сув ва қимиз ичилади, бир қимизки, шаробдан кам кайф бермайди. Уларнинг донли экинлардан тайёрланадиган яна бошқа бир ичимлиги бўлиб, унинг (бўзанинг) ранги сутдек оппоқ ва шаробдек кайф беради.

XV. Темурбейнинг ўз асирларига муносабати хусусида

Агар у бирор ўлкани забт этишни ихтиёр этса, қора рангли туғини кўтаради ва унинг аскарлари ўша ўлкани забт этишга отланадилар, эгалланган ўлкалардан турли хирож ва бойликлар йиғилади. Шуни унутмаслик керакки, улар насронийларга ҳам, мусулмонларга ҳам бирдек муносабатда бўладилар.

XVI. Темурбейнинг муҳораба ҳақидаги фармонлари хусусида

У фармон бериши у ёқда турсин, имо қилиши биланоқ ҳар ким нима қилиш зарурлигини яхши билади. У ўз қўшинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган; унинг амрига итоат этмаганларнинг боши кетади.

У қўшинда қатъий тартиб ўрнатган: кимда-ким жангда олд томонидан жароҳатланса, унга катта эҳтиром кўрсатилади; жангда орқасидан

жароҳатланган кимса эса жазоланади. У жасур ва мардларни кўп иззатлайди, уларга катта тухфалар қилади.

У ўзидан кучли ғанимларга қарши жангга кириш олдидан лашкарларини шу қадар пухта жойлаштирадики, ҳеч нарса назаридан четда қолмайди; сўнг у ғаними ўз хушёрлигини бой беришини пойлайди ва шу заҳотиёқ унинг устига кутилмаганда зарба бериб, истехкомларини вайрон қилади.

XVIII. Темурбей Буюк Туркни қандай маҳв этгани ва банди қилгани хусусида

Лашкарларининг сони ва мардлиги жиҳатидан қудратли бўлган Темурбей баталёнларини (фавжларини) тепаликлар ва дараларга яқин жойда тартибга солди; уларнинг ортига ўзининг энг катта баталёнини ва яқинларини қўйди. Рақибига етарлича қаршилиқ кўрсата олишига ишонган Турк (Йилдирим Боязид) лашкарларини тўрт баталёнга бўлди; ғанимга яқинлашиб унинг лашкарларидан қўрқиб кетган туркларнинг биринчи баталёни сардори ўз қўл остидаги барча аскарларини олиб қочишга тушди; Турк буни кўриб уларни ортига қайтармоқчи бўлди, бироқ баталён сардори унинг амрига қулоқ солмади ва қўздан ғойиб бўлди.

Темурбейга нисбатан Турк кўпроқ қурбон берди.

Жуда кўп турклар қочиб қутулдилар, хусусан, Туркнинг икки ўғли ярим тунда қурол-яроғсиз ва кийим-бошсиз қип-яланғоч қочдилар. Темурбей лашкарларининг катта бир қисмини Туркнинг бош шаҳри Бурсага жўнатди; қалъа олингач, тоби қочган Туркнинг хазинасини қўлга киритди; бу хазинани ҳамда кўпсонли хизматкорлар ва қулларни Семеркандга жўнатди. Шундан сўнг у бутун Туркияни ишғол этишга киришди, Темурбейга иттифоқдош бўлган айрим ҳокимларга қарашли ўлкалар бундан истисно эди.

XIX. Темурбейнинг салтанати ва шаҳарларидаги тартиб-қоидалар хусусида

У ўз фуқароларига бир қанча солиқ ва тўловлар жорий этган бўлса-да, ажнабий тужжорларга катта эътибор кўрсатади ва уларни, айниқса,

фаранглар ва насораларни рағбатлантиради, салтанати ҳудудида уларнинг хавфсизликларини таъминлайди. У салтанатининг барча ҳудудларида тужжорлар ҳаётига хавф соладиганларга шафқатсиз жазо тайинлади: тужжорларни талаган ўлка аҳли унга (тужжорга) таланган мол қимматини икки баробар қилиб қайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўқотган мол-мулк қимматининг беш баробари миқдорида жарима тўлайди.

XX. Темурбейнинг душманлари бўлмиш айрим қудратли императорлар хусусида

Темурбейнинг асосий рақиблари Шарқдадир. Бу энг аввало Катай(Хитой)нинг буюк императоридир. У камарли насронийлар мазҳабидан бўлиб, куч-қудратда Темурбейга тенг ёхуд ундан зиёдроқ. Унинг иккинчи рақибси Форс императори (Султон Аҳмад Жалоирий) бўлиб, у бундан ўн беш йил илгари Темурбейдан зўрға қочиб қутулган. Ҳозир Бадаш ва Калдея (Ироқи Араб)нинг қолган қисмларига ҳукмронлик қилади. Унинг яна бир рақибси Миср султони.

XXII. Темурбейнинг имон-эътиқоди ва унга қилинган башоратлар хусусида

Темурбей ўз эътиқоди бўйича саратсин бўлиб, ўз динига амал қилмайдиганларни жазолайди, ҳам қийнайди. У илгари насронийларни яхши тушунмас ва хуш кўрмасди. Мана энди, Султония архиепископи биродар Жанни ва доминикан мазҳаблик биродар Француани кўрганидан — бизнинг эътиқодимизга ишонч ҳосил қилганидан кейин у ўзининг хатосини англаб, қаттиқ таъсирланди. У насронийларга хайрихоҳлик қилади ва эҳтиром кўрсатади, хусусан, лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик қилмайди; уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган. Айниқса, савдогарларга ўз эътиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб ҳамма насронийлар бажарадиган амалларни бажаришлари учун барча шароитларни яратган.

У ўз дини талабларидан келиб чиқиб, кунига беш маротаба худога муножат қилади ва қаерда бўлишидан қатъи назар, саратсинлар учун лозим бўлган барча амалларни бажаради.

У кекса эркак ва кекса аёлларга чуқур иззат-эҳтиром кўрсатади, уларга катта ҳадялар беради, унинг саройида ҳеч ким аёлларга, хусусан, энагаларга қарши бирор сўз айта олмайди. У жуда яхши тарбия кўрган, зеро, ажнабийларнинг ҳар бирига уларнинг мавқеи ва мансабига мос равишда иззат-эҳтиром кўрсатади.

XXIII. Темурбейнинг ёши ва соғлиги хусусида

Унинг ёши олтмиш-олтмиш беш атрофида ва у ўттиз йилдан бери ҳукмдорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида у шунчалик ғаройиб ишларни рўёбга чиқарганки, уларни ёзиб адо этиб бўлмайди. У ўрта бўйли, чеҳраси мўғулونا, испанча соқолига оқ оралаган ва қомати тик инсон. Бирок унинг ўнг қўли ва ўнг оёғи мажруҳ бўлиб, уларни даволаш мумкин эмас, зотан, томирлари кесилган. У ёшлигида лашкарларини ўзи жангга бошлаб қирарди: моҳир чавандоз эди, аммо энди, баъзан, икки отга ўрнатилган ўриндикда сафар қилади ва шундай қўриқланадики, ўзи чақиртирган одамдан бўлак ҳеч ким унга яқинлашишга журъат эта олмайди.

XXIV. Темурбей ёқтирадиган нарсалар хусусида

Энг аввало, унга қуйидаги нарсалар ёқади: буғдойранг, қирмизи ва алвон, оқ ва оч-яшил, худди Ренс (Франциядаги шаҳар) да тайёрланадигандек нафис тўқима матолар, маржон шодалари, биллур тошлар, тилла ва кумуш идишлар, худди Франциядаги каби ишлов берилиб, зумрад тошлар билан безатилган идишлар, тоза Кипр камлоти (пишиқ жун газламаси), ғаройиб балиқ тишлари, Франциядаги каби курсилар, Франциядагидек қимматбаҳо гиламлар, хушбўй ва мазали зираворлар, дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган зотли бақувват отлар, катта итлар ва Испаниядаги каби катта хачирлар. Бироқ ундаги бу нарсаларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди.

II боб бўйича хулоса

Биринчидан, Ўрта Осиёда, хусусан, Марказий Осиёда Ўрта асрлар тарихи кўп бор ўрганилиб, XIV-XV асрларда Мовроуннаҳрда салтанат барпо этган ҳукумдор Темур сиймоси Дунё тарихчилари қарашларида талқин этилди ва бирқанча хориж адабиётларида нашр этилди;

Иккинчидан, Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият, илм-фан, ижтимоий-сиёсий соҳадаги эришилган барча ютуқлар халқимизга, қолаверса, бутун жаҳонда нечоғлик аҳамият касб этиши: Бадриддин ал-Айний, Ал-Қалқашандий, Ал-Мақризий, Ибн Кази Шухба (1448 йил) Ибн Ҳожар ал-Асқалоний (1372-1449), Ибн Арабшоҳ Абул Маосин Тагриберди (1411-1469), Ибн-Ийос Ибн Дўқмоқ каби тарихчилар ва Эрон муаррихи (Султония) Жан (Иоан) қарашларида акс этади;

Учинчидан, Давлат арбоби, юксак жанг маҳорат соҳиби, Ғарб давлатлари халоскори, Буюк Темур ўз истёдоди ва адолатли сиёсати ила бугунгача жаҳон олимлари эътирофида.

III БОБ. ҒАРБ ШАРҚШУНОСЛАРИ АСАРЛАРИДА АМИР ТЕМУР ДАВРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

3.1. Россия ва Франция шарқшунослари асарларида Амир Темур давлати тарихининг ёритилиши

Ўзбекистон тарихини, хусусан унинг қадимги замон ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда озми-кўпми ютуғимиз бор. Лекин қилинадиган ишлар, тарихимизнинг ёзилмаган саҳифалари ҳали бир талай. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник таркиби, Ўрта Осиё халқларининг чет эл истилочилари асоратига тушиб қолишининг сабаблари, Мовароуннаҳр халқларининг Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий турмуши сингари ўнлаб илмий масалалар ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ. Даҳшатлиси шундаки, фарзандларимиз ўз эл-юртининг тарихини яхши билишмайди, чунки уни биз кўп замонлардан бери мактабда талаб қилинган даражада ўқитаётганимиз йўқ. Яқин йилларгача биз буни шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларига тўнкаб келдик. Бу маълум даранода тўғри, албатта. Ўша даврлар етказган зарар жуда катта бўлди.

Асрлар оша Амир Темур гоҳ каттиққўл ва зулмкор, гоҳ адолатли ва талабчан ҳукмдор сифатида талқин этиб келинган. Бу каби баҳоларнинг пайдо бўлишига Амир Темур давридан кўплаб ижобий ёки салбий муносабатда ёзиб қолдирилган манбалар сабаб бўлган. Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий каби муаллифлар Амир Темурнинг давлатни адолатли бошқаргани, унинг халқ ва давлат манфаатлари йўлида саъйи ҳаракатлар қилгани ва бошқа хислатларини ёзган бўлсалар, Ибн Арабшоҳ «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» номли асарида Амир Темурга кўпроқ салбий жиҳатдан баҳолар бериб ўтган.

Совет даври темуршунослигига³⁴ салбий таъсир кўрсатган омиллардан бири Фридрих Шлоссернинг (1776-1861) «Бутун дунё тарихи» асаридир.

³⁴Лунин Б.В. История культуры и искусства времени тимуридов в советской литературе. Библиографический указатель // Общественные науки в Узбекистане. - Ташкент, 1969.- № 8-9. - С.101-145.

Шлоссер Амир Темур ҳақида «бахтли жангчи, жаҳоннинг янги истилочиси... шу билан бир қаторда олисдаги Шарқнинг қонун чиқарувчиси эди. Осиёдаги камёб бўлган тактик ҳамда стратегик билимларни ўзлаштириб, у ердаги тўдаларни ўзига жалб қилди», - дея тавсиф беради.

Шунингдек, олим Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги адолат, қонун устиворлиги, қонунларга асосланган давлат асосларини барпо этганлигини етарли баҳоламай унга салбий муносабат билдириб ўтган. Жумладан, «минглаб одамларни қирар эди», - деб уни ваҳший ва золим ҳукмдор сифатида талқин этди. Ф.Шлоссер ушбу асарида ўз фикрига қарама-қарши ўлароқ «У юришлардан тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтар, ўзининг янги салтанатида тузуклар ҳамда қонунлар эълон қилар эди. Мазкур қонунлар тўплами унинг амри билан амалга ошириладиган даҳшатлар, вайронагарчиликларга мутлақо қарама-қарши тарзда эди»³⁵, – деган фикр мулоҳазаларини ҳам билдирган эди.

Маълумотларга кўра, коммунистик мафкура асосчиси К.Маркс Ф.Шлоссернинг Амир Темур ҳақидаги салбий фикр-мулоҳазаларини сўзма-сўз кўчириб олган³⁶, аммо бу кўчирмалар давомидаги : «Темур ўзининг янги подшолигига мамлакатни қуриш тизимлари ва қонунларни берди, булар унинг буйруғи билан аскарлари томонидан амалга оширилган ваҳшийликлар ва ёвуз вайронагарчиликларга ўта зид эди»³⁷, - каби ижобий фикрларини келтириб ўтмаган эди.

Мустабид шўро даврида К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Лениннинг асарлари барча тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилар, улардан иқтибослар келтирилар ҳамда шунга монанд қарашлар ривожлантирилар эди. “Доҳий”лар томонидан яратилган “синфийлик” назарияси ҳам Амир Темурни “эксплуататор”, “эзувчи”, “босқинчи”, “каллакесар” сифатида талқин этишни тақозо этар эди.

³⁵ Темур ва Улуғбек даври тарихи. - Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. - Б. 28-29.

³⁶ Маркс К. Хронологические выписки. Архив Маркса и Энгельса. - М.: Госиздат, 1939. Т.VI. - С. 184-185.

³⁷ Ўша жойда.

Ана шу тариқа манбалардаги зиддиятли баҳолар, совет даврининг «синфийлик» назарияси Амир Темур фаолиятини холис ёритишда мураккабликлар туғдирди.

Бунинг устига чекка ўлкаларнинг буюк давлатчилик тарихини ўрганиш мустабид СССР манфаатларига зид бўлиб, “бу ўлкаларда мустақил ва кучли давлатлар бўлмаган” деган фикрларни сингдириш асосий масалалардан бири сифатида қўйилган эди.

Юқорида келтирилган омиллар кўплаб тадқиқотларда Амир Темур фаолиятига адолатсиз, салбий баҳолар берилишида асос бўлиб хизмат қилди³⁸.

Аксарият ҳолларда совет даврида Амир Темур фаолияти салбий жиҳатдан талқин этилишига қарамай хорижий шарқ ва ғарбда бу мавзуга оид ҳақли, объектив тадқиқотлар олиб борилган³⁹.

³⁸ Заходер Б. Империя Тимура // Исторический журнал. - Москва, 1941. - №6. - С.78-88; Леонов И.И. Улугбек-великий астроном XV века. Изд. 2-е. - М., 1950; Строева В.Л. Возникновение государства Тимура // Ученые записки ЛГУ. История и филология стран Востока. Серия востоковедческих наук. - ЛГУ, 1952. - № 128. Вып.3. - С.70; Гафуров Б.Г. История таджикского народа. - М., 1955. Т.I. - С.32; Ўша муаллиф. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. II. - Душанбе: Ирфон, 1989. - С.211.

³⁹ Aерке К. Au tirioir des peurs occidentals / Samarkande 1400-1500. - Paris, 1995. - Pp. 55-72; Ahmad Hasan Dani. Timur leogacy / Pakistan Academy of letters. - Islamabad, 1996; Alexandrescu-Derca M. M. La campagne de Timur en Anatolie 1402. - Bucuresti, 1942; Aka Ismail. Mirza Sahruh zamaninda (1405-1447) timurlularda imar faaliyetleri / Belleten 1984. XLVIII. - S.189-190, 285-297; Ўша муаллиф. Timur'un Ankara savasi (1402). Fetihnamesi / Türk tarih Kurumu. Belgeler. Turk tarih belgeleri dergisi, 1986. - S 15, 1-22; Ўша муаллиф. Timur'un ölümünden sonra Guney Iran'da hakimiyet mucadeleleri atsiz armagani. - Istanbul, 1976. - S.3-15; Ўша муаллиф. Timur'un ölümünden sonraki hakimiyet mucadelerini kısa bir bakis / DTC. Fakültesi, cumhuriyetin 50 yildönü Münü Anma kitabı. - Ankara, 1974. - S. 383-390; Ўша муаллиф. Timur devri Anadolu Osmanli. - Ankara, 1999. I cilt. - S.229-234; Amarger P., Laffont K. La fureur des tartares. - Paris, 1996. - 358 p; Amoretti B. S. Religion in the timurid and safavid periods / The Cambridge history of Iran. -The Cambridge University Press. 1986.VI. chapter 12.- Pp. 610-656; Andrews P A. The tents of Timur: an examination of report on the quriltay at Samarkand, 1404 / Art of the European steppe land. ed. P. / Denwood – London, 1978. – Pp. 143-181; Boniville G. de. La terrible vengeance de Tamerlan / Melanges de l' Universite Saint - Joseph Beirut, 1975-76. XLIX. - Pp. 803-817; Bozkurt M.E. Aksak Timur'un develof politikas. - Istanbul, 1943. - 47 p; Bouvat L. Timur lang / EI. Encyclopaedia Islam. 1934. Vol. 4. - Pp. 777-779. Brent-Barbara. A carpet and related pictures. A legacy of Timur's Samarqand / Oriental Art. 1984. XXX. № 2. - P. 186; Bretschneider E. Notice of the medieval geography and history of Central end Western Asia. Drawn from Chinese end Mongol writings, end compared with observations of western authors in the middle ages. - London, 1877. - 233 p. 2 maps; Brion M. Tamerlan: Presentation de Tamerlan par M. Brion; texts de Tamerlan: Ibn Arabchah, Cheref ed-din, Ibn Khaldoun, l' archeveque de Sultanieh, l' ambassadeur Clavijo. Le merechal boucicant. - Paris, 1963. - 382 p; Capus G. A travers le Royaume de Tamerlan. Paris, 1892. - 434 p; Chaghtai A. Indian links with Central Asia in in architecture / Indian Art and letters London, 1937. XII. - Pp. 85-104; Dizer M. Ulugbeg. Ankara. 1989. - 98 s ; Ferrier R. Trade from the -14 th Century to the end of the safarid period / The Cambridge history of Iran. The Cambridge University Press. 1986.Vol. VI. - Pp. 412-491; Fourniau V. Histoire de l' Asie centrale. Paris, 1994. - 128 p; Frenet F. La ville, de Cyrus a Tamerlan / Samarcande 1400 -1500. Paris, - Pp. 74-82; Haider M. The sovereign in the timurid state (XIV-XV sentuieres) // Turcica. 1976. VIII. 2. - Pp. 57-79; Haidar M. Timurlar davlatinde hakimiet anlayisi (XIV- XV. yuzyillar) Cev.Ehrem Memis.Turk kulturi, 1984. XII. - S. 611-632; La Renaissance Timouride. - Paris, - 224 p; Halil Inalchik. Osmanli tarihine toplu bir bakis. Osmanli. - Istanbul, 1999. 12 ciltlik. I cilt. - S. 69-70; Hookham H. Timurlaine the concueror. - London, 1962; Kennedy E. The exact sciences in timurid Iran / The Cambridge history of Iran. -The

Бу борада ғарб олимларининг Амир Темур салтанати ҳақидаги анча холис тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Улар орасида Франция Европа темуршунослигининг йирик марказларидан бирига айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда “Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш ва француз-ўзбек маданий алоқалари Уюшмаси⁴⁰” фаолият юритмоқда. Бу уюшманинг ва Францияда чоп этилаётган “La Timuride” журналининг фаолиятига Л. Керен раҳбарлик қилмоқда. Ушбу журналда Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид катор илмий ишлар мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда⁴¹.

Улар ичида Люсен Керен томонидан яратилган асарлар алоҳида аҳамиятга эга⁴². Бу олим кўплаб тадқиқотларида Амир Темурнинг тарихдаги буюк хизматлари, унинг давлатида адолат ва қонун устуворлик қилганлиги, «раҳбар бўлишдек туғма, аммо ақлга сиғмайдиган табиий ва синоатли хислат соҳиби»⁴³ эканлигини манбалардаги маълумотлар, тарихий фактлар орқали очиб берган. Унинг тадқиқоти илмий оммабоп характерга эга.

Француз темуршунослари орасида Жан-Пол Рунинг Амир Темур ва унинг фаолиятига оид “Тамерлан”⁴⁴ деб номланган улкан тадқиқоти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Жан-Пол ўз тадқиқотида Чингизхон ва унинг авлодлари, Соҳибқироннинг ҳокимият тепасига келиши, давлат тузиши, Эрон, Олтин Ўрда, мусулмон давлатлари билан муносабатлари ва бошқа тарихий жараёнларни тўлиқ очиб беришга интилади⁴⁵. Унинг тадқиқотида

Cambridge University Press. 1986.Vol. VI. - Pp. 568-581; Lentz T. Lowry G. Timur and the princely vision. Persian art and culture in the fifteenth century. - Washington, 1989. - 396 p; Leomu F. Tamerlan. - Paris, 1996. - 354 p. and others.

⁴⁰ Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. - Тошкент: Адолат, 1996. - Б.15.

⁴¹ Beaupertius - Bressand F. L'art des jardins a son apogee ou splendeur des jardins de Samarkand // La Temuride. - Paris, 1990. - № 4. - Pp.7-8; Ўша муаллиф. Festivites timurides // La Temuride. - Paris, 1996. - № 16. Pp.2-3; Jardins Timurides // La Temuride. - Paris, 1991. - №5.- P.10; Szuppe M. Le Khorassan et l'Fsia centrale aux XIV-XVIe siecles: aspects de l'unite culturelle et politique // La Timuride. - Paris, 1995. - № 14. - Pp.8-15;

⁴² Kehren L. Tamerlan, le Seigneur de fer, Neuchatel, 1978. - 260 p; Ўша муаллиф. Tamerlan. Paris: Payot, 1980; Ўша муаллиф. Tamerlan et Byzance // La Timuride. - Paris, 1994. - № 13. - Pp. 3-6; Керен Л. Амир Темур салтанати. Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов. - Тошкент: Маънавият, 1999. - 224 б. ва бошқалар.

⁴³ Керен Л. Амир Темур салтанати... - Б. 169-170.

⁴⁴ Жан-Поль Ру. Тамерлан / Пер с. фр. Е.А.Соколова. Послесл.В.Л.Егорова; - М.: Молодая гвардия, 2004.

⁴⁵ Жан-Поль Ру. Тамерлан ... - С. 20-279.

Амир Темурнинг ўз даврида тутган ўрни, дини, маданий ҳаёти, давлат ва жамият ўртасидаги алоқалар каби мавзулар умумий ҳолатда очиб берилган.

Кембриж Университети олимларининг тадқиқотларининг Эрон тарихи билан боғлиқ қатор жилдларида⁴⁶ ҳам Амир Темур даврига оид қатор таҳлиллар мавжуд, аммо уларда давлат бошқарув масалалари алоҳида очиб берилмаган.

Тадқиқотчилар орасида Беатрис Форбес Манцнинг темурийлар давлат бошқарувини ўрганишга қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. У Амир Темурнинг давлат бошқаруви ҳақида кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борган⁴⁷. Манц Амир Темур давлат тепасига келишидан аввал Чигатой улусида юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этник ўзгаришлар, Амир Темур давлатининг маъмурий бошқарувига тўхталиб ўтган. У Амир Темур давлат бошқарув идоралари ҳақида қисман фикр – мулоҳазалар билдириб ўтган.

Шўролар даврида хориждаги бизнинг юртдошларимиз томонидан ёзилган асарларни нашр қилишга эътибор қилинмади, улар «буржуа идеологияси» вакиллари сифатида қораланди. Бизнинг ўтмишимиз ҳақида ҳолисона ёзилган илмий тадқиқотлар жуда кўп. Вақт соати билан булар таржима қилиниб мамлакатимизда нашр қилинади.

Собиқ подшо Россияси ва шўро тузуми даврида соҳибқироннинг ҳаёти, фаолияти, тарихий хизматлари муносиб баҳоланмади, аксинча уни «босқинчи» «қонхўр», «золим» деб аташди, унинг номини тарих саҳифаларидан ўчиришга ҳаракат қилишди. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, собиқ Совет иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Тарихий ҳақиқатни тиклашга уринган олимлар коммунистик

⁴⁶ The Cambridge history of Iran. - Cambridge, 1970. Vol.2. - Pp. 586-587; The Cambridge history of Iran. - Cambridge, 1986. V.6. Chapter 7; The Cambridge history of Iran. The timurid and safarid period. - The Cambridge University Press. 1986. Vol. 6. - Pp. 42-14; Timur's invasion. The Cambridge history of India. - Cambridge, 1987. Vol.VIII. - Pp. 195-201.

⁴⁷ Manz Beatrice Forbes. Administration and the delegation of Authority in Temur's Dominions // Central Asiatic Journal. 1976. - № XX. - Pp. 191-207; Ўша муаллиф. The Ulus Chagatay before and after Temur's rise to power // Central Asiatic Journal. 1983. № XXVII. - Pp. 79-100; Ўша муаллиф. The rise and rule of Tamerlane / Cambridge University Press, 1989.

мафкуранинг қурбони бўлдилар, уларнинг бошларига маломат тошлари ёғилди, «ўтмишни идеоллаштириш»да айбланди, аксинча уларга «совет воқеалигини улуғлаш» вазифаси юклатилди.

Совет мафкураси эса бизнинг ўтмишимизни сохталаштиришга бутун кучини сарфлади. Аммо ўша даврда ҳам тарихий ҳақиқатни эътироф этган олимлар бўлди. Жумладан, совет шарқшунос олими **А.Ю.Якубовский** Амир Темурнинг Олтин Ўрдага берган зарбаси, **Тўхтамишхонни** тор-мор қилиши фақат Ўрта Осиёни бирлаштириб қолмасдан Россияни ҳам татарларнинг талон-тарожидан қутқарди деб ёзади. Шунингдек, **А.Ю.Якубовский** соҳибқироннинг турк султони Боязидни тор-мор қилиши Европани усмонли турклар истилосидан, Константинополни босиб олишни эса 50 йил орқага суриб юборганлигини таъкидлайди. Амир Темур нафақат Европани, балки Миср халқини ҳам усмонлилар зулмидан холос этди ва Миср ҳамда Византия Темур ҳокимиятини урушсиз тан олди, унга бўйсунди.

Ғарб салкам олти юз йилдан бери Амир Темурнинг жушқин ҳаёти ва серқирра фаолиятига қизиқиши ҳеч қанча сўнмаган. Соҳибқирон ҳақида француз, инглиз, немис, испан ва бошқа ғарб тилларида кўпдан-кўп илмий, тарихий, оммабоп, бадиий асарлар ёзилган ҳатто Париж ва Лондон сахналарида пьеса ва опералар қўйилган. 1913 йилдаёқ немис олими М.Дагенхарт Европа шарқшуносларининг Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган асарлар рўйхати- библиографиясини чоп этган эди (Archiv fur dos Studium des Heueren Sprachen. Braunschwering. 1913 vol 123,p. 253-278). Француз олими Л.Керен ўзининг “Темур ёхуд Соҳибқирон салтанати” номли асарида Амир Темур тўғрисидаги юздан ортиқ асарлар рўйхатини келтирган (L.Kehen.Timur, empire du Seigneur de fer.Neuchatel, 1978 p.251-255). Бизнинг академик Э.В.Ртвеладзе билан тайёрланган рисолада Амир Темур ва Темурийлар оид 450 дан ортиқ фақат ғарб тилларида нашр этилган асарлар рўйхати берилган (E.Rtvelaze, A.Saidov. Amir Temur: Bibliographie. Paris, 1996, 28p). Ушбу мақолада қайд қилинадиган деярли барча Европа муаллифларининг китоб ва мақолалари

ҳақидаги маълумотлар шу рисолада келтирилган. Сўнгги вақтда яна элликдан ортиқ янги адабиётлар аниқланди.

Бундай асарларнинг пайдо бўлиши тасоддий эмас, балки қонунийдир, зеро Амир Темур шахсининг ўзи ғавқулда ва ғайриодатий ташқари ҳодиса бўлиб, ўз замондошларини ҳам, ҳозирги авлодни ҳам бефарқ қолдирмайди. Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди” – деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг ЮНЕСКО қароргоҳидаги кўргазманинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида⁴⁸.

Ғарб шарқшуносларининг Амир Темурнинг анна шу тарихий хизмати, унинг шахсий ғазилатлари, билимдон давлат бошлиғи, музаффар саркарда ва моҳир дипломат сифатида шаклланиши, Темурийлар салтанати юксала борганлигининг сирлари қизиқтиради. Шу муносабат билан улар қуйидаги саволларга жавоб излайдилар: “Не бахтки, аслзодаларнинг ўрта табақасига мансуб бўлган бу кимса давлат бошлиғи – ҳукмдор даражасига кўтарила олди? Қандай қилиб у ҳаттоки Масковни ҳам итоатда ушлаб турган Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишни, Европада Елдириб деб ном чиқарган Султон Боязиддек лашкарбошини тиз чўқтирди? Бу не синоатки, у фуқаролар қалбига ҳам даҳшат солди, ҳам улар муҳаббатини қозонди? Уни тоғлар ошиб, дарёлар кечиб, денгизлар ёқалаб салтанати сарҳадларини Европа чегараларига қадар кенгайтиришга нима мажбур қилди? Нима учун у кексайиб, кучдан қолаёзганида ва айни қиш палласида Хитой сари юришга чоғланди? Қатор йилномачилар томонидан “қонхўр, босқинчи, золим” деб аталган ҳукмдорнинг шарқлик ва ғарблик мўйқалам усталари томонидан яратилган қатор сурат ва тасвирлари нега ҳамон дунёдаги энг машҳур музей ва кутубхоналарни беэб турибди? Морлони унга атаб ғожеа ёзишга, Вольтерни эссе битишга, Гетени ўз девонидан унга ўрин беришга, Гендельни унга бағишлаб опера яратишга нима мажбур қилди? ”

⁴⁸ “Халқ сўзи” 1996 йил, 26 апрель.

Таниқли француз шарқшуноси Жан Поль Ру ўзининг “Соҳибқирон Темур” номли йирик асарига ёзган сўз бошисида, асарни ёзишдан мақсад анна шу саволларга жавоб беришдан иборат деб таъкидлайди. “Ҳеч шубҳа йўқки, - деб ёзади у – Темур туфайлигина Мовороуннахр ва Эронда оқсоқаллик қарор топди, мамлакатнинг равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратилди, тижорат изга тушиб тожирлар бойидилар, оқилона ташкил этилган давлат бошқаруви йўлга қўйилди... Соҳибқироннинг азалий рақиби Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг енгилиши нафақат славянлар ёки турклар балки бутун Европа – Осиё учун муҳим воқеа бўлди, зеро ушбу жангда кўчманчиларнинг умуман жангда енгиб бўлмаслиги ҳақида афсона барбод бўлди”. “Унинг фаолияти Шарқий Европанинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди ҳамда Ҳиндистон ва Яқин Шарқнинг тақдирида сезиларли из қолдирди”, - деб таъкидлайди француз олими. “Темурга тенг келадиганлар кам топилади, Темурдан ўтадиганлар эса, топилмаса керак. Унинг номи Искандар, Доро, Цезарь, Чингизхон, Бонопартлар билан ёнма – ён туради. Темур башарият тарихининг буюк сиймоларидандир”.

Салкам юз йил давомида Европа шарқшунослик фанига салмоқли ҳисса қўшган, ҳар қандай сиёсат ва мафкурадан озодликлари туфайли мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқаришда эркин бўлган француз олимлари сарҳадлари олис – олислага ёйилган Амир Темур ва Темурийлар сулоласи туғрисида чуқур тадқиқотлар олиб бориб, йирик асарлар яратганлар.

Европа шарқшунослик, хусусан, тешуршунослик мактаби Амир Темур тириклик давридан бошлаб шакллана бошлаган. 1553 йилдаёқ Флоренцияда итальян олими П.Перондинонинг “Саклар подшоҳи жаҳонгир Темур” номли йирик асари чоп этилган(Perondino P. Magni Timur Scythorum. Florence, 1553). Шарқ давлатларига кўплаб илмий – тижорат экспедициялари уюштирилиб турилган. Айни пайтда, Шарқ, шу жумладан Марказий Осиё тарихи, фани ва санъатига қизиқиш кучайиб борган. Чунки Марказий Осиё ўзининг жуғрофий ўрни, бой маданий меросига кўра Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб

ўртасида илмий, маданий, маърифий ва диний ғояларни ёйишда муҳим тарихий ўрин тутган.

Амир Темур мавзусига кизиқиш Европада XX асрда янада кучайган. Хусусан, Амир Темурнинг инсоният тарихида тутган ўрни ва бадиий асарлар яратилган. Л.Буванинг “Темурийлар цивилизацияси ҳақида қисса” (Париж,1926), А.Дюрре ва Р.Фовелнинг “Самарқанд истехкоми” (Париж,1901), А.Шампдорнинг “Темур” (Париж,1942), М.Першероннинг “Осиё ҳоконлари” (Париж, 1951), Э.Берлнинг “Оврупо тарихи:Атиллодан Темургача” (Париж, 1946), Р.Грессенинг “Сахро соҳибқирони” (Париж, 1939), Э.Брионнинг “Темур. Асарлар хотиралари” (Париж, 1963), В.Жерарнинг “Асрлар хотиралари. Темур” (Париж, 1963), Ж.Обеннинг “Чиғатой хонлиги ва Хуросон: 1334 - 1380 ”(Париж, Страсбург, 1976) каби асарлар темуршуносликка қўшилган салмоқли ҳиссадир. XX асрнинг 90 – йилларида ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган Марказий Осиё жумҳуриятларнинг, хусусан Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги кунига муносабат “қизил империя” даврида фаолиятни анча сусайтирган, Ғарб шарқшунослик мактаби вакиллари яна илмий изланишга зиёратларга, қадимий қўлёзмаларни ўрганишга ундади. Натижада йилларнинг ўзида – ғарб шарқшунослари қаламига мансуб янги – янги китоб ва рисоалар чоп этилди.

Бу борада француз шарқшунослари пешқадамлик қилмоқдалар. Шўролар даврида сиёсатва иқтисодиёт соҳалари билан бир қаторда илм – фан ва маданият жабҳаларида ҳам биз “темир парда ” ортида кун кўришга маҳкум этилган, Амир Темур тўғрисида илиқ сўз айтиш “айб”, ҳатто “жиноят” ҳисобланган бир пайтда, яъни 1987 йил 22 мартда Парижда “Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш ва француз – ўзбек маданий ҳамкорлиги Уюшмаси ” тузилди. Бу “Уюшма ” Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ва маданиятини тарғиб қилиш борасида дунёда биринчи тузилган жамоат ташкилотидир. Унинг асосий мақсади Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми, Шарқ ва Ғарб маданиятларининг чорраҳаси бўлиши

Марказий Осиё тарихи, хусусан Темурийлар Уйғониш даври ва унинг жаҳон цивилизация тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси билан француз жамоатчилигини таништиришдан иборат. 1898 йилдан “Уюшма” ўзининг “Темурийлар”(“La Temuride”) номли даврий нашрининг 16 та сонини чоп этди.

Бу журналларда Амир Темур ва Темурийлар сулоласи вакиллари: фалакиётчи Мирзо Улуғбек, шоир Ҳусай Бойқародан то Бобур йилларигача барча – барча давлат арбоби, моҳир саркарда, истеъдодли адиб, санъаткор, зиёлилар хомийси, бунёдкор ва меъмор бўлганликлари, Темурийлар Уйғониш даври тарихи ва маданияти туғрисида қимматли мақола ва янги маълумотлар босилган. Бу “Уюшма”нинг асосчиси ва раиси таниқли темуршунос олим профессор Л.Кэрэндир. У Амир Темур ва унинг Европа билан алоқалариги бағишланган ўттизга яқин мақола ва китоблар муаллифидир.

Унинг асосий китобларидан бири “Темур ёхуд соҳибқирон салтанати” илк бор 1978 йилда Швейцарияда чоп этилган. Шундан сўнг 1980 йилда у Францияда нашр қилинган. Бу китобда Амир Темурнинг таржимаи холи ва салтанати тарихи салномалари тўлиқ қамраб олинган. Бундан ташқари муаллиф Амир Темур давлатининг тақдири, хусусан Темурийлар сулоласи, яъни Шохрух, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти ҳақида бой тарихий маълумотлар ҳақида Темурийлар шажарасини берган. Профессор Л.Кереннинг йирик асарларидан яна бири “Темур даврида Самарқанд йўли”(Париж, 1990), китоби ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли – мулоқотлар йўли” дастури доирасида тайёрланган. Бу китоб Испания қироли элчиси Руи Гонсалес де Кловихонинг Амир Темур салтанати пойтахти Самарқандга сафари ҳақидаги “Кундаликлар”ининг испан тилидан француз тилига изоҳли таржимасидир. Бу китоб матбаа ижроси, Амир Темурга бағишланган миниатюра ва рангли суратларга бойлиги, илмий – тарихий маълумотларнинг кенг қўлами билан бошқа тилларда чоп этилган нашрлардан алоҳида ажралиб туради. Л.Керенни Соҳибқироннинг жаҳон

тарихида тутган ўрни ва ролига оид қўйидаги фикрлари диққатни жалб этади: “Темурбек жаҳон тарихида энг олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. У ўз давридаги жамиятни янгиллаган ва унга янги йўналиш бағишлаган. Ўрта асрни яқунлаб, Уйғониш даврини бошлаб берган... Фаровонлик келтирган савдо йўлларига равақ берган, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятининг юксалиш учун зарур шароитлар яратган, ўз ўғиллари ва набираларига илғор маълумот берганки, буларнинг ўғиллари ва набираларига илғор маълумот берганки, буларнинг ҳаммаси санъат ва фан равақини таъминлаган. У ўз салтанати пойтахтида тинчлик ва хавфсизликни барқарор қилган, олим ва санъаткорларни олдинги сафга олиб чиққан. Ҳар томонлама санъаткорларни олдинги сафга олиб чиққан. Ҳар томонлама гўзалликка, ҳудода ишончни ифодалаб, кўкка интилган ёдгорликларни бунёд қилдирган” (Л.Керэн, А.Саидов “Амир Темур ва Франция”. Тошкент, 1996, 85-бет). Амир Темур таваллуд топган куннинг 660 йиллигини нишонлашга бағишланган ЮНЕСКО қароргоҳидаги тантаналар вақтида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов профессор Л.Кэрэнга Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, Темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти - “Шухрат” медалини топширди.

Франция Республикасининг Тошкентдаги Элчихонаси қошидаги 1994 йилда ташкил этилган “Маркмзий Осиё тадқиқотлар институти” олиб бораётган илмий изланишлар ва ўтказётган анжуманлар француз шарқшунослик мактаби анъаналари муносиб равишда давом этаётганидан далолат беради.

Ҳозирги замон француз темуршунослиги намуналаридан Л.Кэрэннинг “Темур ёхуд Соҳибқирон салтанати”(Париж, 1978), “Темур даврида Самарқанд йўли”(Париж, 1990), Ж.П. Руининг “Темур”(Париж, 1991), ва “Бобур”(Париж, 1986), В.Фурниенинг “Марказий Осиё тарихи”(Париж,

1994), ва унинг таҳрири остида чиққан “Самарқанд 1440 – 1500: Темур пойтахти: салтанати ва Уйғониш юраги” (Париж, 1994), “Бобунома” нинг Ж.Л Бакэ Грамон таржимаси (Париж, 1986), “Улуғбек – астрономия султони” (Париж, 1994) номли тўплами ва бошқа рисоаларни санаб ўтишнинг ўзи кифоя. Сўнгги йилларда Парижда Темурийлар мавзуга оид иккита йирик бадиий асар чоп этилди. Биринчиси Амин Малуфнинг “Самарқанд” (Париж, 1990) романи бўлса, иккинчиси Милена Никовичнинг “Самарқандда ёққан олтин ёмғир” (Париж, 1994) тарихий романидир. Фқат 1996 йили темуршуносликка оид яна икки йирик китоб нашр этилди. Бу П.Амарже ва Р.Лаффонинг “Мўғуллар қаҳри ” (Patrice Amarder Robert Laffont. La Fureur des Tartares. Pris, 1996, 358p) ва Ф.Леомининг “Темур” (Eobrice Leomy. Temur Paris, 1996, 354p) номли асарларидир.

ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 28 – сессияси Амир Темур таваллуд топган куннинг 660 йиллигини бутун дунёда нишонлаш тўғрисида қарори Соҳибқироннинг жаҳон фани, маданияти, меъморчилиги ва санъатига, Шарқ цивилизацияси ва тараққиётига улкан ҳиссасини эътироф этилиши демакдир. Шу муносабат билан 1996 йил апрель ойида Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида “Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб - яшнаши” мавзусидаги маданият ҳафталиги ва халқаро илмий анжуманнинг ўтказилиши бунинг яққол исботидир. Ушбу йирик илмий анжуманда иштирок этган машҳур темуршунос олимларнинг маърузаларининг қисқача баёни тўплами француз тилида Парижда чоп этилди. Бир сўз билан айтганда Париждаги байрамтадбирлари Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган салобатли ўрнини ва ёш мустақил Ўзбекистоннинг нақадар чуқур маънавий илдизларга эга эканлигини ва тобора ошиб бораётган халқаро нуфузини дунёга яна бир бор намоёниш этди.

3.2. Амир Темур салтанатини Ғарбнинг бошқа мамлакатлари шарқшунослари томонидан тадқиқ этилиши

Шарқ ва Ғарб олимлари инсоният умумий тарихини яратиш йўлида, жумладан, Марказий Осиё тарихи, унинг ажралмас қисми бўлиши Амир Темур ва Темурийлар сулоласи тарихини яқин ҳамкорликда яратмоқликлари керак. Бу тарихни умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёзишда сақланиб қолган тарихий манбалардан ва Шарқ кўлёмаларидан фойдаланиши ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бу борада Амир Темурнинг Осиё ва Ғарб давлат бошлиқлари билан ёзишган дипломатик мактубларини йиғиш ва таржима қилиш ҳамда чоп қилиш зарур.

Шарқ ва Ғарб олимларидан кўпчилиги Амир Темур ва ворислари даври тарихини ўрганиш бўйича самарали илмий тадқиқотлар олиб борган. “Темур тузуклари” ни бутун жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, масалан, Россия, Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Дания, Эрон, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Япон кутубхоналаридан топса бўлади. Амир Темурнинг жўшқин ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳақида ўзбек, турк, араб, форс, француз, инглиз, немис, испан, ҳинд, хитой ва бошқа тилларда кўпдан-кўп илмий, тарихий, оммабоп, бадиий асарлар ёзилган, Париж ва Лондон сахналарида пьеса ва опералар қўйилган.

"Амир Темур жаҳон тарихида" китоби муаллифлари ҳақли равишда ёзганларидек, Европа олимларининг Амир Темур шахси ва унинг фаолиятига қизиқиши бундан 500 йил аввал бошланган эди. 1553 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида Перондино деган олимнинг "Скифиялик Тамерланнинг улугворлиги" деб номланган илмий тадқиқот асарининг эълон қилиниши бундан кейинги асарларга кенг йўл очди. Мишель Монтеннинг (1553-1592) "Тажрибалар" китоби бунинг ёрқин далилидир. Францияда Амир Темурнинг тарихий шахси бўйича икки хил анъана мавжуд бўлган: қатъий тарихий манбалардаги маълумотларга асосланиб, академик фан шуғулланадиган

жиддий тарихий методологияга таянса, адабий афсоналарда у хаёлий персонаж сифатида намоён бўлади⁴⁹.

Кейинчалик европалик тадқиқотчилар Соҳибқирон ҳақидаги маълумотларни XV асрда яшаган Византия тарихчиси Лаоник Калкондил ёзган “Юнон империясининг таназзули” ва “Турклар салтанатининг қарор топиш тарихи” китобидан олишгани ҳақида фикрлар бор.

Бу асар 1583 йилда ёзилган бўлиб, унинг 14 бобдан иборат биринчи жилди батамом Соҳибқиронга бағишланиб, у Темур, Тамерлан, Тамбурлан деб тилга олинади. Масалан, Флоренцияда Амир Темур ва темурийлар даври тўғрисидаги маълумотлар Санктийоннинг “Буюк Тамерлан тарихи” (Париж, 1677), С.Муроджа, Д. Охсоннинг “Чингизхондан Тамерлангача мўғуллар тарихи” (Париж, 1952), Х.Моранвиллининг “Тамерлан ва унинг сарой аҳли хотиралари” (Париж, 1894), Р.Марганинг “Тамерлан тарихи” (Париж, 1739), Э.Блошенинг “Тамерлан қабртошидаги битиклар” (Париж, 1897), Де Краузенинг “Темурийлар даврида Самарқанд ёдгорликлари” (Париж, 1891), Ж.Капюнинг “Тамерлан салтанати бўйлаб” (Париж, 1982), Ужвалфи Бурдонинг “Париждан Самарқандга” (Париж, 1880), Э.Галлуанинг “Тамерлан пойтахтига саёҳат” (Лиль, 1898), И.Морелнинг “Самарқанд ёдгорликлари” (Лион, 1909), И.Блоннинг “Марказий Осиёга саёҳат чизгилари” (Париж, 1893), Л.Кауннинг “Осиё тарихига кириш” (Париж, 1896), Ж.де Риалнинг “Марказий Осиё ҳақида хотиралар” (Париж, 1875), кабилар киради.

XX асрнинг биринчи ва иккинчи яримларида ҳам Европада Амир Темур ва темурийлар ҳақида илмий тадқиқот ва асарлар ёзилди. Л.Буванинг “Темурийлар цивилизацияси ҳақида қисса”, (Париж, 1929), А.Дюрре ва Р.Фовелнинг “Самарқанд истехкоми” (Париж, 1901), А.Шаипдорнинг “Тамерлан” (Париж, 1949), Э.Берлнинг “Оврупо тарихи: Атиллодан Тамерлангача” (Париж, 1946) Р.Груссенинг “Сахро Соҳибқирани” (Париж, 1939), М.Брионнинг “Тамерлан. Асрлар хотиралари” (Париж, 1963), М.Брион “Я – Темур, властитель вселенной” (Франция, 2007), Л.Керэннинг

⁴⁹ Ҳ.Содиқов “Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати” Т., 2010 й. Б – 220.

“Самарқанд жомеъ масжидининг нақшинкор ғиштлири” “Осиё журнали” (Париж,1967), Ж.Убеннинг “Тамерлан шаҳарларни қандай аларди” (Париж,1963), француз тарихшунослари асарларининг қисқача таҳлили Л.Кереннинг “Тамерлан даврида Самарқанд йўли” ва бошқа асарларда берилган. XVIII аср ўрталарида Англияда “Рим империясининг таназзули ва ҳалокати” деб номланган асар нашрдан чиқади. Унинг муаллифи тадқиқотчи Эдвард Гиббоннинг (1737 – 1794) номи тезда машҳур бўлиб кетади.

Гиббон асарининг бир боби махсус Амир Темури шахсига бағишланган. “Амир Темури, - деб ёзган Э.Гиббон, - у дунёни забт этиб, унга ҳукмрон бўлиш мақсадини кўзлаган эди.” Авлодлар хотирасида ҳурмат қозониш унинг олижаноб қалбининг иккинчи истаги эди. Унинг васиятлари Европага нотанишлигича қолди.

Фридрих Шлассер (1776 – 1861) ўзининг “Ялпи тарих” китобида Соҳибқирон шахсига юксак баҳо беради: “Омадли жангчи, дунёнинг ягона ҳукмдори, тактик ва страдегик билимларини уйғунлаштирган зот”⁵⁰. Шу ўринда Кастилия ва Леон қироли Энрико III (1390 - 1407) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга – Темури саройига саёҳат” (1403 – 1406) асарида Клавихо таъкидлайдики, Амир Темури даврида қарвон йўлларида жорий этилган ёмчилик хизмати қатъий ҳарбий интизомга бўйсундирилган. Соҳибқирон ҳақида XV асрдаёқ яратилган хорижий адабиётлар ҳам бу ўринда айрим тасаввур беради. Амир Темурининг шахсий соқчиси бўлган немис зодағони Иоганнес Шильтбергер (1380—1440) хотиралари Баварияда кенг шуҳрат топиб, 1460 йилда Аугсбергда нашр қилингани ҳам диққатга лойиқ. Бу китобга қизиқиш шундай кучли эди-ки, натижада у XV асрдаёқ тўрт марта, XVI асрда олти марта қайта чоп этилди. 1458-1464 йилларда Рим папаси бўлиб христиан дунёси раҳнамоси Пий I тарихий асарининг бутун бир бобини Амир Темурига бағашлаганини тасодиф деб буладими? Флоренция ҳукумати бошлиғи канцлер Почжио Браччиолини

⁵⁰Х.Содиқов “Амир Темури салтанатида ҳавфсизлик хизмати” Т., 2010 й. Б – 227.

(1380—1459) биринчи марта Амир Темур ҳақида махсус илмий тадқиқот яратгани-чи?

Тадқиқотчилар ҳақли равишда ёзишгандек, Амир Темур XV—XVI асрларда Европада сиёсий доираларда, католик черкови, муқаддас инквизиция каби энг қудратли мустабид кучлар доирасида машҳур бўлган, у ҳақда Рим папаси Пий II 1513 йилда, папа Лев ва папа Клемент VII саройига келган Джовио, испан қироли Филипп II мулозими, географ Ортели, Муқаддас Рим императори Карл V нинг муаррихи Педро Мехсиялар ёзишган. Бу асарларда Соҳибқирон айнаи вақтда воқеалар ва даврлардан ташқари турувчи ҳам афсонавий ҳам реал шахс сифатида талқин қилингани ҳам эътиборга лойиқдир. Англия қироличаси Елизаветанинг сарой шоири Кристофер Марло (1564-1593) 1590 йилда "Буюк Тамерлан" драмасини нашр қилди. Соҳибқирон ҳаёти эркин баён этилган бу асарда Амир Темур паҳлавон жангчи, юксак иродали ва энгилмас саркарда сифатида кўрсатилган.

Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти директори Винсений Фурньо фикрича, Амир Темур мавзуи Ғарбий Европада Клавихо ва Женкинсонларнинг сафарномалари эълон қилинмасдан бурун, шунингдек, Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий сингари тарихчиларнинг асарлари таржима қилинмасидан олдин тарихий ва адабий мавзу сифатида мавжуд бўлган деган фикри ҳам тадқиқотчиларни ўйлантиради. Бу даврни, Фурньо 1500—1580 йиллар деб таърифлайди. Бу таърифда чуқур тарихий ҳақиқат ётибди.

Винсений Фурньо фикрича, Амир Темурда уни Марказий Осиё тарихидаги фавқулудда ёркин шахсга айлантирган қатор фазилатлар бўлиб, шулардан бири — унинг фатҳ этмаган ёки тасарруфига олмаган ҳудудлардаги машҳурлигидир. Ғарб маданиятига энг аввало адабиёт ва мусиқа соҳаларига сингиган Амир Темур мавзуси ушбу жаҳоншумул шуҳратнинг энг буюк кўринишларидан биридир. Европа маданияти турли фалсафий асотирларда, насрий ва шеърӣ асарларда, театр учун ёзилган

пьесаларда, опера либреттоларида ушбу мавзуга катта ўрин ажратди. Бу ишлар тарихшунос олимларнинг илмий асарлари ёки уларнинг таржималари юзага келгунича ёхуд улар билан айна бир вақтда руй берди.

Амир Темурнинг ҳаётлигидаёқ уз давлати билан Ғарб ўртасида алоқа ўрнатгани ҳам кўпчилики ажаблантирган. Чунки, на ундан олдин, на ундан кейин ҳеч ким Ғарбий Европа билан бундай бевосита алоқаларни ўрнатмаган. Яна бир ҳол диққатни жалб этади. "Қирол Қуёш" сифатида донг таратиб Францияда XVII асрда олтмиш йил ҳукмронлик қилган Людовик XIV олисдаги Амир Темурга "Ўзбек қиролига икки мактуб" ёзган, лекин улар жунатилмай қолган. Ажабланарлиси шуки, француз ҳукмдори Амир Темур вафотидан икки асрдан кейин шу номаларни ёзганки, бу ҳол Соҳибқирон абадиятидан ёрқин далолат беради. Француз олими Фурньо Марказий Осиё оркали Ғарб томон турли даврларда ва турли шахслар томонидан амалга оширилган юришлар купинча асоссиз равишда ҳамда Марказий Осиё ҳудуди ва унинг ортидаги ҳудудларни билмаслик оқибатида Амир Темур номи билан боғлаб келинганини таассуф билан таъкидлагани бежиз эмас. Европалик тадқиқотчилар Соҳибқирон ҳақидаги маълумотларни XV асрда яшаган Византия тарихчиси Лаоник Калкондил ёзган "Юнон империясининг таназзули" ва "Турклар салтанатининг қарор топиш тарихи" китобидан олишгани ҳақида фикрлар бор. Бу асар 1583 йилда ёзилган бўлиб, унинг 14 бобдан иборат биринчи жилди батамом Соҳибқиронга бағишланиб, у Темур, Тамерлан, Тамбурлан деб тилга олинади⁵¹.

Шу ўринда беихтиёр ҳозирги замонда, глобаллашув жараёни кучайган бир даврда пайдо бўлган нақлни эслайлик. Ким ахборотга эга бўлса, у дунёни идора қилади. Қарангки, буюк Соҳибқирон XIV асрдаёқ бу ҳақиқат тагига етган ва уни амалга оширган. "Темур тузуклари" ҳам замонасидан илгарилаб кетган фикр-ғоялар мажмуаси бўлганини ҳам эътироф этиш лозим.

XVIII асрда яшаган инглиз ҳарбийси Вильям Дэви эътирофи ғоят эътиборга сазовордир. У узоқ вақт бегона кўзлардан сир сақланган ва махфий

⁵¹ Ўша асар Б - 222.

хужжат сифатида хазинада ётган "Темур тузуклари"нинг асл нусхасини қўлга туширган ва инглизчага таржима қилган эди.

Ўз даврининг биринчи ҳарбий низоми деб тан олинган "Темур тузуклари" асари махфий хизмат стратегияси ва тактикалари бўйича ҳам жиддий қўлланма бўлиб, Пиримкул Қодиров таъбири билан айтганда Соҳибқироннинг кашфиёти эди. Бу кашфиёт ғанимлар қўлига тушса, улар Амир Темурнинг ҳарбий санъатидан, разведка бобидаги маҳоратидан унинг авлодларига қарши урушда фойдаланишлари мумкин эди. Шунинг учун "Темур тузуклари" кам нусхаларда кўчиртирилади, фақат энг эътиборли темурийларга ўқишга берилади, улар эса асарни махфий сақлайдилар.

Умуман салтанат ва сулола асосчисининг ёзиб қолдирган васиятлари ва дастуруламалини махфий сақлаш одати туркий халқларнинг ҳукмдорлари орасида қадимдан мавжуд бўлган. Бундай анъана Ғарбда ҳам ўзига хос шаклда мавжуд бўлганини македониялик Александр ва унинг устози Аристотель орасида бўлиб ўтган ёзишмадан билиш мумкин. Халқ орасида машҳур Аристотель ҳарбий санъат сирлари ва давлатчиликка оид билимларини кўпчилик орасида ҳам ёймоқчи бўлганида Александр унга шундай эътироз билдиради: "Бизга берган сабоқларингизни кўпчилик орасида эълон қилишингиз тўғри эмас. Бизга берган билим ва тарбиянгизни бошқаларга ҳам берсангиз, бизнинг улардан нима фарқимиз қолади? Холбуки, мен сиздан олган олий тарбия ва билимим билан қўл остимдаги одамлардан устун бўлишни истайман."

Нақадар очиқ ва адолатли таъриф! Бугунги кунда АҚШ, Россия, Англия, Япония, Франция ва бошқа давлатлар инсоният учун нақадар фойдали кашфиёт, ихтиро ва тадқиқот натижаларини ва илмий тафаккур дурдоналарини яшираётган айни бир замонда бундан икки минг йил аввал яшаган Александр Македонский сўзлари нақадар долзарб янграйди?!

Амир Темур худди аллома Арасту — Аристотель каби ёш авлодга берган бебаҳр таълим ва тарбиядан бегона кучлар ғаразли мақсадларда фойдаланмаслиги учун "Темур тузуклари" узоқ вақт махфий сақланган. Амир

Темур давридан бошланган одатга биноан Бобурийлар ҳам "Темур тузуклари"ни махфий сақлайдилар ва фақат шахзодаларга ўқишга берадилар. Шу сабабдан то XVII асрнинг бошларигача тарихий манбаларда "Темур тузуклари" ҳақида маълумотлар учрамайди. Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ўғли Ҳумоюнга ёзиб қолдирган васиятномаси ҳам унинг авлодлари томонидан сир тутилган. Шу фактдан келиб чиқиб, фараз қилиш жоизки, Шох Жаҳон "Темур тузуклари"нинг аслияти билан бирга форсий таржимасини ҳам ўз авлодлари учун махфий сақлаган. Амир Темурнинг улкан салтанатни бошқаришда ва оламшумул зафарларга эришишда орттирган бой тажрибаси, ўз авлодларига ички сирларини очиб ёзган сўзлари, донишмандлик билан берган маслаҳатлари, ҳарбий санъат ва махфий хизмат моҳиятини кўрсатувчи тузуклари — ҳаммаси бобурийлар салтанатида давлат сирлари ҳисобланган. Бу сирлар рақиблар ихтиёрига ўтса, улардан бобурийларнинг ўзларига қарши курашда фойдаланишлари мумкинлиги ҳисобга олинган. Мана шу сабабларга кўра, 1637 йилда Шох Жаҳон "Темур тузуклари"нинг форсча таржимасини таҳрир қилдириб, нуқсонларини бартараф эттирганидан сўнг то 1779 йилгача бирорта тарихий манбада "Темур тузуклари" ҳақида ахборот учрамайди. Бобурий Шох Олам II инглизлар томонидан асир олинган, Ҳиндистонда хизмат қилган Вильям Деви асрлар давомида шох хазинасида сақланган "Темур тузуклари"нинг "Султония" деб аталадиган нодир нусхасини қўлга туширади. Араб тили профессори майор Уайт билан биргаликда уни 1783 йилда Оксфордда форсча матн, инглизча таржима ва изоҳлар билан китоб ҳолида нашр этади. Бу китоб дунёнинг турли мамлакатларига кенг тарқалади. Оксфорд нашри кейинчалик ҳеч бир ўзгаришсиз 1785 йилда Калькуттада, 1868, 1963 йилларда Техронда, 1890 йилда Бомбейда қайта нашр қилинди. Худди шу нашр 1787 йилда Парижда чоп этилди. Бу китобга биринчи бўлиб ҳали номи чиқмаган тўпчи офицер Наполеон Бонапарт ўз диққатини қаратди. Франциянинг бўлғуси императори "Темур тузуклари"ни ўз фаолияти учун дастуруламал деб билди. Уни синчиклаб ўрганган ҳолда Франция армиясини ҳам худди Амир Темур

қўшинидек ташкил қилишни ўйлади. Генерал Бонапарт Миср султони билан жанглarda, Италия компаниясида, Пруссия, Австрия, Испания ва Россия билан урушларда "Тузуклар"га риоя қилган ҳолда Амир Темур тактикасини ишга солди ва ғалаба қозонди.

Англиялик темуршунос олима Ҳильда Ҳукхэм ўзининг "Етти иқлим султони" асарида Амир Темурни Европа осмонида порлаган умид юлдузига қийслайди: "Оврўпа осмони узра умид юлдузи чарақлай бошлади. Шарқда усмонли турклар мулки томон ўзининг беҳисоб сувори лашкарларини бошлаб, заковатли инсон, моҳир шатранжи, малакали дин пешвоси ва атоқли саркарда Темур яқинлашиб келарди"⁵².

Инглиз муаррихи Ҳильда Ҳукхэм ўзининг "Етти иқлим султони" асарида таъкидлаганидек: "Темур бу ерда курраи замин айланаси – етти иқлим ва етти осмондан иборат эканлигидан хабар топади. Амир Темурнинг саводи, билими ўта юқори даражада бўлганлиги аён бўлади".⁵³

Ушбу сўзлардан Амир Темурнинг эл-юрт тақдири ҳақида ўйлаб миллат ғамида ёниб яшаганлигини англаб олиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам, унинг обрў-эътибори ҳам, мамлакат қудрати ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Соҳибқирон адолат ўрнатиш йўлида ўз жонини, ҳаттоки бутун борлигини берадиган ҳукмдорлар, давлат арбоблари тоифасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур шахси, унинг серқирра фаолияти ҳанузгача фанда ҳам, адабиётда ҳам марказий ўринни эгаллаб турибди. Соҳибқирон ҳаётлик даврида нечоғлик машҳур бўлган бўлса, вафотидан кейин ҳам Шарқу Ғарбда янада шуҳрат қозонди. Унинг буюк, бетакрор ва ёрқин шахси, қудратли иродаси ва кенг қамровли, тобора илгарилаб борувчи ҳаракатлари ўз довуғи таъсирини тобора кучайтириб, бир қатор мамлакатлар ва давлатлардаги миллион-миллион халқ оммасининг онги ва шуурига ўрнашиб қолди.

⁵² Ҳильда Ҳукхэм. Етти иқлим султони. Тошкент, "Адолат", 1999, 4-бет.

⁵³ Комилжон Султонов. Амир Темурга муносиб ворислар. Тошкент, "Янги нашр", 2014, 66-бет.

III боб бўйича хулоса

Биринчидан, Ғарб салкам олти юз йилдан бери Амир Темурнинг жушкин ҳаёти ва серқирра фаолиятига қизиқиши ҳеч қанча сўнмаган. Соҳибқирон ҳақида француз, инглиз, немис, испан ва бошқа ғарб тилларида кўпдан-кўп илмий, тарихий, оммабоп, бадиий асарлар ёзилган ҳатто Париж ва Лондон сахналарида пьеса ва опералар қўйилган.

Иккинчидан, 1913 йилдаёқ немис олими М.Дагенхарт Европа шарқшуносларининг Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган асарлар рўйхати- библиографиясини чоп этган.

Учинчидан, Салкам юз йил давомида Европа шарқшунослик фанига салмоқли ҳисса қўшган, ҳар қандай сиёсат ва мафкурадан озодликлари туфайли мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқаришда эркин бўлган француз олимлари сарҳадлари олис – олисларга ёйилган Амир Темур ва Темурийлар сулоласи тўғрисида чуқур тадқиқотлар олиб бориб, йирик асарлар яратганлар.

ХУЛОСА

Диссертациянинг умумий мазмунидан келиб чиқувчи қисқа илмий-назарий хулосалар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Темур сиймосини абадийлаштириш, ёшлар билимини ошириш, миллий маънавий-маданий меросни тадрижий ривожини таъминлаш, буюк аجدодларимиз қодирган билимлар кўмагида ғоявий асосларини такомиллаштириш ва амалий жиҳатдан фаоллаштириш. Бу борада, энг аввало, тарихчи муаррихларнинг Амир Темур ва темурийлар даврига оид маънавий мероси ва ғояларини янгича талқин қилиш, ривожланаётган жамиятларда, жумладан, Ўзбекистонда жамият маънавий муҳитини барқарор ривожлантириб бориш ва унинг шахс камолотидаги таъсирини ошириш концепсияларини уйғунликда англаш.

Иккинчидан, Соҳибқирон тузган миллий давлатчилик асосларини, унинг бугунги кунда юртимиз ривожини учун бевоста боғлаган ғоявий анъаналари, маданий мероси, юртимизда яшаётган ёшларни ватанга фидойи, забардаст этиб тарбиялаш, улар шуурида Темур сиймосини шакллантириш, аجدодларга мос авлодларни яратиш масалалари ниҳоятда жиддий эканлигидан далолат беради. Зеро, ёшлар бугунги ниятларимизни эртага рўёбга чиқарадиган, мамлакат тараққиётини таъминлайдиган, ҳар бир соҳада ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўқис намоён эта оладиган авлод сифатида шаклланиши зарур. Темур тарихини ўрганиш, унга оид билимларни такомиллаштириб бориш жамият ижтимоий тараққиёти ва унда шахс маданий фаоллиги муаммосини ижобий, тўлиқ ҳал этишда муҳим ўринга эга.

Учинчидан, Франция, Испания, Англия каби йирик Ғарб давлатлари элчиларини лол қолдирган Темурнинг ўзбек миллий анъаналари билан суғорилган бениҳоя юксак обидалар, мадрасалар, ҳонақоҳ-у масжидлар, боғлар ва илм марказлари бугунги кунда ҳам ўрганилмоқда ва ҳали ҳануз хориж муаррихларининг диққатида намоён бўлмоқда ва улар эътирофида талқин қилинмоқда. Бу эса жамият ижтимоий қиёфасининг шаклланиш

жараёни маънавий-маданий онгини, ижтимоий фаолият, ижтимоий-сиёсий мулоқот ва аждодлар меросига муносабат ҳамда ўз-ўзини англаш билан амалга оширилади, зеро, ватанимиз келажаги, халқимиз олдида турган улкан мақсадларга эришиш, аввало, тарихни ўрганишдан бошланади.

Тўртинчидан, Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият, илм-фан, ижтимоий-сиёсий соҳадаги эришилган барча ютуқлар халқимизга, қолаверса, бутун жаҳонда нечоғлик аҳамият касб этиши: Бадриддин ал-Айний, Ал-Қалқашандий, Ал-Макризий, Ибн Казӣ Шухба (1448 йил) Ибн Ҳожар ал-Асқалоний (1372-1449), Ибн Арабшоҳ Абул Маосин Тагриберди (1411-1469), Ибн-Ийос Ибн Дўқмоқ каби тарихчилар ва Эрон муаррихи (Султония) Жан (Иоан) қарашларида, испан элчиси Руи Гонзалез де Клавихо эсталикларида акс этади. Бу эса Ўзбек миллати тарихан нақадар буюк эканлиги, шу юртда туғулган оғлонлар қонида Темур қони оқиши миллат келажаги порлоқ эканлигидан далолат беради

Бугунги кунда фуқаролик институтларининг ўзаро маънавий ҳамкорлиги келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшлар дунёқараши ва ижтимоий фаолиятига ижобий таъсир қилиб қолмай, улар қалби ва онгига бой маънавий-маданий меросни сингдиришга, мамлакатда баркамол авлодни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Бешинчидан, Амир Темур тарихини ўрганиш ёшларни, аслида ким бўлганликлари, қай юрт фарзанди эканлиги, шу юртнинг тараққиёти учун эртанги келажакка муносиб ҳисса қўшишлари билан тадрижий ўлчанади Бунда улуг аждодларимиз томонидан маънавий-ахлоқий етукликка эришишга хизмат қилган ва тажрибадан ўтган, асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган маданий мезонларни функционал аҳамиятини ўрганиш ва ундан фойдаланиш услубиятини яратиш бениҳоя муҳимдир.

Олтинчидан, Тарихий шахс, давлат арбоби, юксак жанг маҳорат соҳиби, Ғарб давлатлари халоскори, Буюк Темур ўз истеъдоди ва адолатли сиёсати ила Ўзбекистон, қолаверса Дунё тарихида чуқур из қолдирди ва бугунгача жаҳон олимлари эътирофида.

Хуллас Амир Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё халқаро маданият ва савдо алоқалари тарихида муҳим давр бўлганлиги, Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларининг халқаро иқтисодий – маданий алоқаларда катта рол ўйнаганликлари Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғловчи қарвон йўллариининг узлуксиз фаолият кўрсатганликлари ҳақида теран хулоса қилишимизга имкон беради.

Ушбу хулосалар асосида диссертация натижаларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги *тавсиялар* ишлаб чиқилди:

- Ўзбекистон телевидениясида Амир Темур шахсини абадийлаштиришга қаратилган телекўрсатувларни кўпайтириш;
- Босма электрон оммавий ахборот воситаларида Темур ва темурийларга оид сайт ва хабарларни ташкил этиш;
- Хориж муаррихларининг Темур ҳақидаги асарларини ўзбекчага ўгириш ва таҳлил қилиш асосида оммабоп китобларни чоп этиш;
- Университет қошида талаба ёшларни аجدодлар руҳида тарбиялашга кўмаклашувчи “Темур ўғлонлари”, “Соҳибқирон издошлари” каби тўғараклар ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А. КАРИМОВНИНГ АСАРЛАРИ

- I.1. Каримов И.А. Каримов И.А. Амир Темур хақида сўз. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
- I.2. Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V.
- I.3. Азалий буюклик маскани / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V.
- I.4. Каримов И.А. Соҳибқирон камолга етган юрт / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V.
- I.5. Каримов И.А. Адолат ва кудрат тимсоли / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V.
- I.6. Каримов И.А. Амир Темур фаҳримиз-ғуруримиз / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Жилд V.
- I.7. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин / Амир Темур-фаҳримиз, ғуруримиз - Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
- I.8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т., “Маънавият”, 2008.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

- II.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори // Тошкент ҳақиқати. - 1995 йил, 4 январь.
- II.2. “Ўзбекистоннинг Янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Халқ сўзи, 17 декабр 1996 йил.

II.3. “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Халқ сўзи, 27 июн 1998 йил.

III. МАНБАЛАР

- III.1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмуаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. 1405-1429 йиллар воқеалари. Форс тилидан А.Ўринбоев таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
- III.2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ., 20 томлик. 13-т. Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. Т., “Фан”, 1997.
- III.3. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмуаи баҳрайн. 2-жилд, иккинчи ва учинчи қисмлар. 1429-1470 йиллар воқеалари. Форс тилидан А.Ўринбоев таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
- III.4. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли (Таржимаи ҳол). Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмад – Т.: “Нур”, 1992.
- III.5. Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур (“Молфузоти Темурий”). Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қурбонбеков. – Т.: Махфират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти, 2000.
- III.6. Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси (“Қиссаи Темурий”, “Темур эсдаликлари”, “Молфузоти Темурий”). Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Бобобеков, А.Қурбонбеков, Ҳ.Бобоев, З.Бобокалонов – Т.: “Фан”, 2004.
- III.7. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Б.Аҳмедовнинг илмий таҳрири остида. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
- III.8. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Т., Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2007.
- III.9. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.Шамсиев, С.Мирзаев ва Э.Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Шарқ, 2002.

- III.10.Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. (Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-2 китоблар. Араб тилидан У.Уватов таржимаси. – Т.: “Меҳнат”, 1992.
- III.11.Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тухфат ан нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфар. Масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи Н.Иброҳимов. Т.: “Шарқ”, 2012.
- III.12.Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Ю.Ҳакимжонов таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
- III.13.Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Рус тилидан Очил Тоғаев таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
- III.14.Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома (Амир Темур Кўрагон жангномаси). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат муаллифи П.Равшанов. – Т.: “Чўлпон”, 1990.
- III.15.Темур тузуклари (ўзбек, инглиз, француз.) Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. Инглиз тилига М.Дейви таржимаси. Француз тилига Л.Лангле таржимаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
- III.16.Темур тузуклари Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 2013
- III.17.Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. (Мовароуннаҳр воқеалари. 1360-1370) Форс тилидан О.Бўриев таржимаси. Масъул муҳаррир ва нашрга тайёрловчи А.Ўринбоев – Т.: “Камалак”, 1994.
- III.18.Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Форс тилидан эски ўзбек тилига Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов, Ҳ.Бобобеков. – Т.: “Шарқ”, 1997.

IV. Асосий адабиётлар:

- IV.1. Амир Темур жаҳон тарихида. 2-нашри. - Т.: Шарқ, 2001. Б. 27.
- IV.2. Гафуров Б.Г. История таджикского народа. - М., 1955. Т.I. - С.32.

- IV.3. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. II. - Душанбе: Ирфон, 1989. - С.211.
- IV.4. Жан (Иоанн). Амир Темур ва унинг саройи. // Г. "O'zbekiston adabiyoti va san'ati". 2005 yil 20-son.
- IV.5. Жан-Поль Ру. Тамерлан / Пер с. фр. Е.А.Соколова.
- IV.6. Заходер Б. Империя Тимура // Исторический журнал. - Москва, 1941. - №6. - С.78-88.
- IV.7. Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. - Тошкент: Адолат, 1996.
- IV.8. Керен Л. Амир Темур салтанати. Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов. - Тошкент: Маънавият, 1999. - 224 б.
- IV.9. Леонов И.И. Улугбек-великий астроном XV века. Изд. 2-е. - М., 1950.
- IV.10. Лунин Б.В. История культуры и искусства времени тимуридов в советской литературе. Библиографический указатель // Общественные науки в Узбекистане. - Ташкент, 1969.- № 8-9. - С.101-145.
- IV.11. Маркс К. Хронологические выписки. Архив Маркса и Энгельса. - М.: Госиздат, 1939. Т.VI.
- IV.12. Строева В.Л. Возникновение государства Тимура // Ученые записки ЛГУ. История и филология стран Востока. Серия востоковедческих наук. - ЛГУ, 1952. -№ 128. Вып.3. - С.70.
- IV.13. Темур ва Улугбек даври тарихи. - Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. - Б. 28-29.
- IV.14. Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: "Шарқ", 1997.
- IV.15. Умняков И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV в. – М., 1960.
- IV.16. "Халқ сўзи" 1996 йил, 26 апрель.

V. Автореферат ва диссертациялар:

- V.1. Бобоев Ҳ. Б. Ўзбекистонда XIV-XVI асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар: Юрид.фан. докт. ... дисс. – Т.: ТДЮИ, 1993. - 48 б.

- V.2. Тўлаганов А.А. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи (“Темур тузуклари” асосида): Юрид.фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: ТИИВ Академияси, 1996. - 24 б.
- V.3. Мукимов З. Основные исторические источники права Узбекистана (УШ-Х1Х вв.): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. - Т.: ТГЮИ, 1998. - 50 с.
- V.4. Абиджонова Д. С. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60-90-х годов XX в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т.: Институт истории АН РУз, 2001. - 26 с.
- V.5. Маматов Х.Т. “Темур тузуклари”да давлат ва ҳуқуқ масаласи: Юрид.фан. номз. ... дисс. - Т.: ИИВ Академияси, 2002. - 156 б.
- V.6. Хидиров С.Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми: Юрид.фан..номз. ... дисс. - Т.: ИИВ Академияси, 2002. – 178-б.
- V.7. Ульжаева Ш.М. Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши: тарих фан... ном... дисс. автореферати. – Т.: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 2008. – 44-б.

VI. Хориж адабиётлари:

- VI.1. UNESCO: Resolutions twentyeighten session of the general Conference. - Paris, 1996. Vol.I. - P. 89.
- VI.2. Aercke K. Au tirioir des peurs occidentals / Samarkande 1400-1500. - Paris, 1995. - Pp. 55-72; Ahmad Hasan Dani. Timur leogacy / Pakistan Academy of letters. - Islamabad, 1996.
- VI.3. Alexandrescu-Derca M. M. La campagne de Timur en Anatolie 1402. - Bucuresti, 1942.
- VI.4. Aka Ismail. Mirza Sahruh zamaninda (1405-1447) timurlularda imar faaliyetleri / Belleten 1984. XLVIII. - S.189-190, 285-297.
- VI.5. Aka Ismail. Timur'un Ankara savasi (1402). Fetihnamesi / Türk tarih Kurumu. Belgeler. Turk tarih belgeleri dergisi, 1986. - S 15.

- VI.. Amoretti B. S. Religion in the timurid and safavid periods / The Cambridge history of Iran. -The Cambridge University Press. 1986.VI. chapter 12.- Pp. 656.
- VI.7. Andrews P A. The tents of Timur: an examination of report on the quriltay at Samarkand, 1404 / Art of the European steppe land. ed. P. / Denwood – London, 1978. – Pp. 181.
- VI.8. Boniville G. de. La terrible vengeance de Tamerlan / Melanges de l'Universite Saint - Joseph Beirut, 1975-76. XLIX. - Pp. 803-817.
- VI.9. Bozkurt M.E. Aksak Timur'un develof politikas. - Istanbul, 1943. - 47 p.
- VI.10. Bouvat L. Timur lang / EI. Encyclopaedia Islam. 1934. Vol. 4. - Pp. 779.
- VI.11. Brent-Barbara. A carpet and related pictures. A legacy of Timur's Samarqand / Oriental Art. 1984. XXX. № 2. - P. 186.
- VI.12. Bretschneider E. Notice of the medieval geography and history of Central end Western Asia. Drawn from Chinese end Mongol writings, end compared with observations of western authors in the middle ages. - London, 1877. - 233 p. 2 maps.
- VI.13. Brion M. Tamerlan: Presentation de Tamerlan par M. Brion; texts de Tamerlan: Ibn Arabchah, Cheref ed-din, Ibn Khaldoun, l' archeveque de Sultanieh, l' ambassadeur Clavijo. Le merechal boucicant. - Paris, 1963. - 382 p.
- VI.14. Capus G. A travers le Royaume de Tamerlan. Paris, 1892. - 434 p.
- VI.15. Frenet F. La ville, de Cyrus a Tamerlan / Samarcande 1400 -1500. Paris, - Pp. 82.
- VI.16. Haidar M. Timurlar davlatinde hakimiet anlayisi (XIV-XVI. yuz yillar) Ce VI.Ehrem Memis.Turk kulturi, 1984. XII. - S. 632.
- VI.17. La Renaissance Timouride. - Paris, - 224 p.
- VI.18. Hookham H. Timurlaine the concueror. - London, 1962.
- VI.19. Lentz T. Lowry G. Timur and the princely vision. Persian art and culture in the fifteenth centure. - Washington, 1989. - 396 p.
- VI.20. Leomu F. Tamerlan. - Paris, 1996. - 354 p. and others.
- VI.21. Jardins Timurides // La Temuride. - Paris, 1991. - №-5.- P.10-15.
- VI.22. Kehren L. Tamerlan, le Seiqneur de fer, Neuchatel, 1978. - 260 p.

VI.23. Kehren L. Tamerlan. Paris: Payot, 1980.

VI.24. Kehren L. Tamerlan et Byzance // La Timuride. - Paris, 1994. - № 13. - Pp. 3-10.

VII. Internet ma'lumotlari:

VII.1. [http: // grid.ru](http://grid.ru).

VII.2. [http: // history.ru](http://history.ru)


VII.3. [http: // www.ucr.edu](http://www.ucr.edu)

VII.4. [http: // www.hss.cmu.edu](http://www.hss.cmu.edu)

VII.5. [http: // www.ukans.edu](http://www.ukans.edu)

ИЛОВАЛАР:

1-илова



28.10.13

Jan (Ioann). Amir Temur va uning saroyi. » Xurshid Davron



Жан (Иоанн)
АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ САРОЙИ

Гарбий Оврўно халқлари адабиётларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ниҳоятда кўп, бироқ Соҳибқирон ҳақидаги илк асарлар эсдаликлар тарзида ёзилган бўлиб, улар Амир Темур замондошлари қаламига мансубдир. Шунлардан бири Эрондаги Султония шахрининг архиепископи Жан(Иоанн)нинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» (*Memoires sur Tamerlan et sa cour*) асаридир.



Жан (Иоанн).
АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ САРОЙИ

kh-davron.uz/jan-ioann-amir-temur-va-uning-saroy.html


228





**МАРСЕЛЬ
БРИОН**


**МАНАМ,
ТИМУР
ЖАҲОНГИРМАН**

Забуиллоҳ
Мансурӣ
билан
ҳамкорликда
ёзилган












ФЕДЕРИКО МАЙОР

ЮНЕСКОнинг 1987—1999 йиллардаги
Бош директори





*ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан,
маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг
очилиш маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 24 апрель,
Париж (2)*



